

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети 5140901 - Касб таълими (иқтисодиёт)
бакалавр таълим йўналиши талабаси
Қаршиева Холиданинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада
моддий-техника таъминотини бошқариш» мавзусини
илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш
услубини яратиш

Рахбар:



Ш.О.Амиркулов

Маслаҳатчи:



Б.Т.Шодиев

Иш бажарувчи:



Х.Қаршиева

«Ҳимояга рухсат этилди»

«КТ ва П» кафедраси

муdiri 

доц. З.Л.Ботиров

«18» 06 2014 й.

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»

«Касб таълими» факультети

декани 

доц. Қ.С.Жуманазаров

«20» 06 2014 й.

ҚАРШИ-2014 й.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Қасб таълими факультети
Қасб таълими (иқтисодий) таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

КТ 8а П каф.мудир
доц. З. Ботуров
(имзо, ф.и.ш)

«10» декабр 2013 й

Битирув малакавий иши учун

ТОПШИРИҚ

Талаба Қарчиева Комира Сузонкуловна га

1. Малакавий иш мавзуси Иқтисодийни модернизацияга
адаптиро қорқонада етдиш-техника тег-
вонияни воедаш " етдишнинг ишор
пералоник технологиялар асосидо бунини
ушубини яратини
институтнинг № 587/1 буйруғи билан 06.12.2013 да тасдиқланган.

2. Малакавий ишни топшириш муддати 16.06.2014 йил

3. Малакавий иш учун маълумот ҚХК лари фудв-еетдиш хуж-
жатлари, фореер хужали маълумотлари, фудв ара-
бидишлари, читорнеш етдишлари

4. Ҳисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган савол-
лар рўйхати) Қирин; 1. Фов ва етдишнинг фоллард-
еетди; 2. Фудини етдирикасинини ушубини ет-
салаари; 3. Ижтимоий-иқтисодий мао-
алар етдишлари; 4. Нароний даре фудини мо-
торикаси; 5. Аетдиш етдишлари етдирикаси;
хулоса ва тақлирлар.

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графикалар)

1. Фореер хужалисинини иқтисодий-еетдиш
иштиниклари тақлими; 2. Фореер хужали-
синини асосий ч/а воедалари иқтисодий
саладорееиш; 3. Нароний ва аетдиш етди-
шлар даре иштиниклари; 4. Техноложик хужма.

6. Малакавий иш бўйича маслаҳатчилар Фудини ушубини

қисмий фудини Б. И. етдиш

7. Малакавий ишени бажарилиши бўйича календар график

Хафталар сони	Малакавий иш бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
I	Келгил; Фолл ва малакавий ишнинг таъсирлари	8	8,0	Бажарилган	8хшч
II	Фоллнинг малакавий ишнинг таъсирлари	21	21,0	Бажарилган	8хшч
III	Ушбу ишнинг таъсирлари	42	42,0	Бажарилган	8хшч
IV	Нархларнинг таъсирлари	13	13,0	Бажарилган	8хшч
V	Амалдорнинг таъсирлари	9	9,0	Бажарилган	8хшч
VI	Хулоса ва таъсирлари	7	7,0	Бажарилган	8хшч
		100	100		

Малакавий иш раҳбари Ш. О. Амиркулов

Топшириқ олинган кун 10 декабр 2013 йил

Талаба Х. Ҳаричев

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12- ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги асарида мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётидаги барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида туб бурилишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги борасида МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди

Маълумки Ўзбекистон кўп йиллар мобайнида аграр индустриал мамлакат смфатида ривожланиб келди.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида аҳолини ошиб бораётган эҳтиёжларини фақат аграр тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва улардан олинган даромадлар билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бугунги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ва унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, жаҳон аренасида ўз ўрнига эга бўлиши учун мамлакатда саноат ишлаб чиқаришини устун ривожланишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш асосида мамлакаптнни аграр-индустриалдан индустриал- аграр ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, саноатни мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда ва бугунги кунда бу кўрсаткич 24,2 фоизни ташкил этмоқда, қишлоқ хўжалигини улуши эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган ҳолда 34,0 фоиздан 17,2 фоизга камайди.

“Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақилли-гимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш мамлакат ижтимоий иқтисожий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарбдир.

1. ФАН ВА МАВЗУНИНГ ТАВСИФИ

1.1. Танланган мавзунинг долзарблиги

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги борасида МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди

Маълумки Ўзбекистон кўп йиллар мобайнида аграр индустриал мамлакат сифатида ривожланиб келди.

Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12- ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги асарида мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётидаги барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида туб бурилишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида аҳолини ошиб бораётган эҳтиёжларини фақат аграр тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва улардан олинган даромадлар билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бугунги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ва унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, жаҳон аренасида ўз ўрнига эга бўлиши учун мамлакатда саноат ишлаб чиқаришини устун ривожланишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш асосида мамлакатни аграр-индустриалдан индустриал- аграр ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, саноатни мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда ва бугунги кунда бу кўрсаткич 24,2 фоизни ташкил этмоқда, қишлоқ хўжалигини улуши эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган ҳолда 34,0 фоиздан 17,2 фоизга камайди.

“Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақилли-гимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш мамлакат ижтимоий иқтисожий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарбдир.

1.2. Мавзуни ўқитишда танланган педагогик технологияларнинг аҳамияти

Муаммоли жараён ҳосил қилиш ўқувчилар актив аклий фаолиятнинг зарур шартидир. Ўқувчи олдида муайян вазифа қўйилади, бу вазифа унда кизиқиш уйғотади ва ўқувчи бу вазифани ҳал қилишга уринади, аммо уз билимлари ҳамда тажрибалари етарли даражада тула ва чуқур эмаслигини пайкайди, яъни аниқ қийинчиликка дуч келади. Ўқувчида ҳосил бўлган вазиятдан чиқиш йулини топишдек ички эҳтиёж пайдо бўлади, қийинчиликни ҳис этиш пайдо бўлган шароитни анализ қилишга ва қўйилган масалани ечиш йулларини топишга ундайди. Шундай қилиб, билиш лозим бўлган ва амалий вазифалар билан ўқувчиларнинг билимлари даражаси орасида зиддиятлар пайдо бўлади, бу зиддиятлар юзага келган қийинчиликни бартараф этишга қаратилган интенсив фикрлаш фаолиятини уйғотади.

Инсон билимлар системасини билиб олар экан, айти замонда бу билимларни ишлатиш усуллари, амалий ва назарий масалаларни ечишда билимлардан фойдаланиш учун зарур бўладиган интеллектуал ҳаракатларнинг мураккаб системасини ҳам узлаштиради. Фикрлашдаги ҳаракатларни «дилда» бажаришга қаратилган аклий операциялар системаси, дебгина тушиниш ярамайди. Тафаккур амалий ёки назарий ҳаракатдан ажралмасдир, у инсоннинг бутун фаолиятига хизмат қилади, инсон уз олдида вужудга келадиган муаммоларни ечишнинг тайёр усуллари эга бўлмаган ёки ҳаракатларни бажаришнинг янги усуллари топиши зарур бўлган ҳолларда унинг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

Фикрлаш жараёни амалга ошадиган асосий форма муаммоларини, яъни билиш лозим бўлган, ечилиш йули номаълум ёки мавжуд билим ҳамда малакаларни янги, одатланилмаган шароитда тадбиқ этишни талаб қиладиган интеллектуал ва амалий вазифаларни ҳал қилишдан иборат.

Муаммоли вазиятни ҳал этиш асосида ташкил қилинган ўқув жараёни педогогикада муаммоли ўқитиш деб аталади. Муаммоли ўқитиш вақтида ҳамма вақт масала (муаммо) қўйилади ва ҳал қилинади. Бу муаммо савол, топширик, масала тарзида берилади. Аммо ўқитишда, шу жумладан, ўқув материални узлаштиришдан олдин савол ва масалалардан фойдаланиш муаммоли ўқитиш шартларига ҳамма вақт ҳам тугри келавермайди. «Муаммоли вазият» ҳамда «масала» тушунчаларининг маъноси бир хил эмас. «Масала» тушунчаси билан ҳаракатнинг баъзи объектив бериладиган характеристикаларигина белгиланади, иштирок этувчи шахс- субъект эса қўшилмайди. Масалани ечиш жараёни изланаётган зарур нарсанинг топилишини таъминлайдиган масала шартларини узгартириш системасидан иборат. Қўчилик ҳолларда масала маълум бўлган билим, ўқув ва малакаларни бевосита тадбиқ этиш асосида бажарилади ёки ҳал қилинади.

Ҳозирги даврда таълим-тарбияни такомиллаштиришни нафақат ўзимизнинг илғор тажрибаларимиз, балки хориждаги таълим соҳасида қўлланилаётган ўқитишнинг янги самарали услубларини чуқур ўрганиб, маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда янгилик қиритишнинг назарий ва амалий қоидаларига риоя қилган ҳолда қиритиш, қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Хотимада шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, дарсда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш оқибат натижада аниқ ўқув материални онгли равишда узлаштиришга қараганда анча қўп нарсани билишга ёрдам беради, чунки ўқувчилар уларни ҳал этиб, фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ҳулосалар қилишга урганадилар. Ўқитишнинг бундай усулubi инсонни актив, ижодий фикрлайган қилиб тарбиялашга ёрдам беради.

2. ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Касб-ҳунар таълимида дидактиканинг моҳияти ва тамойиллари

Педагогик ечимларни танлаш назарияси ишлаб чиқишнинг методологик асоси-укитиш жараёнининг мавжуд барча қонуниятларини ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини албатта комплекс ҳолда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Педагогик ва психологик шарт-шароитларни аниклаш асосида уқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборат:

Ўқитиш оптимал булиши учун ҳар бир ўқувчи узининг ҳақиқий уқиш имкониятларига мувофиқ даражада узлаштириши, тарбияланиши ва камол топиши шарт;

Уқитиш оптимал булиши учун ўқувчилар ва уқитувчилар дарсадаги ва уйдаги ишлар вақтининг узлари учун гигиеник жихатдан белгиланган нормасига эга булиши керак.

Режалаштиришни оптималлаштиришнинг асосий йуллари уқитишнинг вазифаларини таълим бериш, тарбиялаш вакамол топтириш билан биргаликда лойиҳалашга комплекс ёндошиш ҳамда уқитиш вазифаларини у амалга ошадиган тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайянлаштиришдир.

Ишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: уқитиш мазмунининг қуйилдган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш; уқитишнинг қуйилган вазифаларини белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш; масалаларни муваффақиятли ҳал қилишни, шу жумладан ўқувчиларга табақали ёндошишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлар, масалан, таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муамоли-камол топтирувчи уқитиш, ўқувчиларнинг уқилиш фаоллаштириш, уқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари; ўқувчилар уқув-билим фаолиятининг методлари; уқув материални ташкил қилиш ва структуралаштириш ва хожаолар жадал урганилмокда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги муҳим қоидалар талқин қилинган:

Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлар, шу жумладан: табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият таҷрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, ҳулки ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

Таълимнинг мазмуни умумий, *политехник* ва *касбқорлик* компонентларининг бирлигини ақс эттириши қерақ;

Таълимнинг мазмуни муайян ёшга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан қелиб қикади;

Таълимнинг мазмундаги ажратилган турт қомпонент ҳажми ва мазмуни бўйича узаро айнан мувофик бўлиши қерақ.

Дидактида ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш назарияси муаммоли-қамол топтирувчи уқитиш назариясига жуда яқиндир.

Қаоллик назариясининг ақосий қояси ҳам маҳсуқ ташқил этилган таълим муҳитида (уқитишнинг мазмуни, шакллари ва методлари билан) ўқувчиларнинг қаоллигини тобора ошириб бўришдан иборатдир.

Ишлаб чиқилган қаоллик назарияси ўқув қараёнида билимларни узлаштириш, уларни қайта ишла ва қўллашнинг (муаммоли ва репродуктив) усулларини урганиш бўйича ташқил этиладиган узини-узи бошқариладиган қаолликдан иборатдир.

Мазқур қонуниятлар ақосида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик қуйидаги назарий қоидаларни *ифодалаш* мумкин:

Фаоллаштириш воситалари тизими, таълимнинг мазмуни, уқитишнинг шакл ва методлари уқитишнинг асосланган, мақсадга мувофик уз-узини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаши учун улар қуйидаги талабларга *жавоб бериши керак*:

Таълимнинг ҳамма босикчларида ўқувчиларда уқитишнинг ички мотивларини қозғатиш ва ривожлантириш;


Ўқувчиларни уз олдиларига тегишли мақсадларини қуйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

Ўқувчиларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий қуникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

Ўқувчиларнинг ўқув-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний ва ахлоқий, иродавий қучларини ошириш;

Таълим жараёнида назорат ва узини-узи бошқариш орқали ўқувчилар узининг ўқув-билиш фаолиятини баҳолашини таъминлаш. Шу қоидаларга риоя қилинса, таълим самарадорлиги янада ошади.

Таълим ва тарбия тушунчасининг қайси бири кенгрок маънога эга эканлиги хусусидаги баҳс самарасиздир, чунки ҳамма гап уларнинг қайси мақсадда қулланишидадир. Адабиётларда қуп учрайдиган «таълим» ва «тарбия» сузларини педагогик жараённинг қарама-қарши томонларини ифодалаш учун қулланиши унчалик тугри эмас. Бинобарин, таълим билим беришнинг мақсадга мувофик жараёни сифатида доимо муайян шахсларни тарбиялашни уз ичига олади. Тарбиянинг йуналиши эса, хатто, таълимнинг мазмуни ва савияси билан расман бир хил булса ҳам, принцип жихатдан турлича-инсонпарвар демократик ёки тоталитар булиши мумкин. Таълим-тарбия муассасаларида амалга ошириладиган чуқур педагогик жараён сифаидаги тарбия ҳақида гапириш унинг фақат бир томонини-қасбий жихатини қурсатишини билдиради.



2.1-расм. Дидактиканинг асосий тамойиллари

2.2. Касб-хунар коллежларида таълим жараёни

Таълим беришда унинг икки томони: уқитиш ва уқиш томонлари ҳамма вақт равшан ажралиб туради. Уқитиш- уқитувчининг ўқувчиларга билим, ўқув ва малакалар бериши, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳисобланади. Уқиш- ўқувчиларнинг ўқув фани материални узлаштириш борасида қиладиган тизимли ва онгли меҳнатидир.

Уқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани программаси билан белгиланишини, ўқувчиларнинг уқитиш эса уқитувчи йулга солиб туришини назарда тутиб, мувофаккиятли таълим беришнинг асосий шарти таълим бериш мазмуни, уқитиш ва уқиш орасидаги чамбар-час узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Уқитиш жараёнида тарбиялаш дастурида, дарсликларда, уқитувчининг иш материалида гоёвий аҳамиятли ўқув материали танлаш, ўқувчилар активлигини қўзғатадиган ва уларнинг ақлий ҳамда жисмоний меҳнатда мустақил бўлишни таъминлайдиган ўқув методларини қўллаш, уқитиш ва меҳнатни ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдатошқил этиш йули билан таъминланади. Касб-хунар мактаблари шароитида ўқувчиларнинг тарбиялашнинг муҳим омили уларнинг доимо унумли меҳнатда иштирок этишидир. таълим бериш жараёни тарифланар экан, уқитувчи уқитишнинг ички механизмларини билгандагина, ўқув жараёни вақтида идрок этилганларнинг ҳаммаси ўқувчи онгида акс этиши ва узгариши қандай содир бўлишини тушингандагина уқитиш самарали бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ана шунинг учун ҳам уқитувчилар педогогик психология билимларини чуқур эгаллаши зарур.

Касб-хунар коллежларида билим ва малакаларни эгаллаш динамикасининг асосий қонуниятлари ўқувчиларнинг билиш фаолиятига ҳам боғлиқдир. Аммо билимларни узлаштириш жараёнининг узига хос хусусиятлари ҳам бор.

Укувчилар, асосан, билганларини уқитувчи рахбарлигида узлаштирадилар, шу сабабли укувчиларнинг субъектив янги нарсани билиш жараёни объектив янги нарсани билиш жараёнига караганди энг киска йул билан содир булади. Ўқувчилар фанларнинг асосларини узлаштирадилар, улар олдида янги хакикатни кашф этиш вазифаси турмайди. Билимларни узлаштириш жараёнида мушохада юритиш ўқувчиларнинг сезиш тажрибасини бойитади. Билимларнинг каттагина қисмини ўқувчилар бевосита кузатиш асосида эмас, балки билвосита йул билан, яъни, асосан, педогокнинг тушинтириши, китоблар, дарсликлар уқиш оркали узлаштирадилар. Ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги практикаси хакикат мезонлигича қолади, аммо у, аввало, билм, укув ва малакаларини ошириш воситаси хисобланади.


Хозирги замон талаби билимларни узлаштиришни ва укувчиларнинг билиш қучларини ривожлантиришни ягона уқитиш жараёнининг икки томони деб қарайди. Ўқувчиларнинг аклий камол топиши қўпгина йуллар билан боради, бу йулларнинг асосийси-фан ва техника асосларини уларнинг етакчи қўялари ҳамда йўналишлари нуқтаи-назаридан узлаштириш. Объектив оламни билиб, шу билан бирга уз қўбилиятларини ривожлантириб, ўқувчилар атрофдаги нарса ва қўдисаларни урганиш методларини, шунингдек, уларга таъсир этиш усулларини билиб оладилар. Уқитиш жараёнининг бу қўнуниятлари қасб-хунар қўллежларида малақали ишчилар тайёрлашга ҳам қўла қўла қўладир. Аммо таълимнинг ривожланаётган қўшлангич даврининг нихоятда муҳим эканлигини эътиборга олиш билан бирга, қасб-хунар қўллежларида укув жараёнини ташкил этишда укувчиларнинг билим олишларига, уларда малақалар қўсил қўлинишига қўпроқ урин бериш қўрак. Бўнинг сабаби шуки, нисбатан қиска вайт ичида фан ва техника асосларинигина узлаштириб қўлмай, балки ишлаб қўқаришнинг тегишли қўхасидаги техника ва технологияни ҳам яхши қўладиган, муайян қўрактердаги ишларни сифатли бажаришга оид қўнкрет укув малақаларга эга бўлган малақали ишчи тайёрлаш зарур. Бу нарса укув иши мазмуни, қўрма ва методларини аниқлашда уз ифодасини тоқади.

2.3. Таълим методлари

Метод – (грекча Metodos сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борликни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллارининг йиғиндиси.

Метод – таълим оловчи ва таълим берувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган усуллар йиғиндиси. Усул – таълим оловчи ва таълим берувчининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишнинг йўли.

Таълим модели – таълим жараёни тузилмаси. Таълим моделларини таълим мақсадларига эришиш бўйича ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги иш фаолиятини ташкил қилишнинг қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга бўлинади.



2.2- расм. Таълим методлари тизими

2.4. Дарс жараёнида юқори самарадорликка эришиш учун қуйидаги метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

- 1. Бахслар.** Ўқув гуруҳини икки командага бўлган ҳолда бирор мавзу бўйича ўзаро бахс, фикр алмашинув тарзида ўтказилади.
- 2. Тадқиқот.** Таълим олувчиларнинг айрим тадқиқот ишларини яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асосланган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсад ва натижаларни таҳлил қилишлари тадқиқот усулидир.
- 3. Музёра.** Таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги «тўсиқни» йўқотишга қаратилган усул.
- 4. Ўйинлар.** Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар –муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият сахналаштирилади.
- 5. Лойиҳалаш ишлари.** Бу усул билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда, ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.
- 6. Китоб билан ишлаш.** Ушбу усул таълим олувчиларнинг ўқув материални мустақил ўзлаштиришини, ўз-ўзини текширув малакаларини, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билишига қаратилган усулдир.
- 7. Пинборд.** Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчилар ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.
- 8. Бошқаларни ўқитиш.** Бу усулда таълим олувчилар қўйилган муаммо бўйича бир – бирларига ахборотлар ва маълумотларни ўргатадилар.
- 9. Давра суҳбати.** Таълим олувчилар давра столида ўтириб бир-бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

2.5. Анъанавий ўқитиш методлари

Ўнлаб йиллаб ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг ўзига хос усулларида бири бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим усулидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс – кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир усули бўлиб қолмоқда.

Маълумки, анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис баъзида анъанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш;
- илгари эгаллаган билимларни ҳам инобатга олиш;
- ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш;
- ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш;
- амалиёт орқали ўрганиш;
- икки томонлама фикр-мулоҳазалар билан таъминлаш;
- ўқиш жараёнини тўғри йўлга қўйиш;
- ўқитувчи-ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгилаштирувчи шахс;
- ўқув жараёнини баҳолаш.

Анъанавий дарс ўтиш усулида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби усуллардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли – туман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган усуллар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш тадқиқот ролли ўйинлар усуллари кўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

2.6. Ўқитишнинг ноанъанавий методлари

Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари шартли равишда 3 га ажратиш мумкин: ҳамкорликда ўрганиш усули; усуллаштириш; ўрганишнинг тадқиқот усули.

Бу усуллар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб уларни бошқача қилиб марказда ўқувчи турган таълим усуллари деб ҳам аташади.

Усуллаштириш – реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ходиса ва жараёнларни ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини (усулини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи усул.

Ҳамкорликда ўрганиш усули – ўқувчиларни мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган усул.

Ўрганишнинг тадқиқот усули – ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи усул.

Ўқитиш жараёнидаги мавжуд анъанавий таълим билан қуролланган таълим муассасалари эндиликда ўз олдида қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмани амалга оширишга ожизлик қилмоқда.

Таниқли олим М.Н. Махмутовнинг фикрига кўра, ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий схемаси ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини етарли

даражада ривожлантира олмайди, уларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини, фанга бўлган қизиқишларини қондира олмайди, фаол фикрлашни ҳамда билишни эътиқодга, эътиқодни эса онгли ижтимоий мақсадга мувофиқ фаолиятга айлантиришни таъминлай олмайди.

Касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг илғор тажрибалари ёритилган материалларни ўрганиш, шунингдек, кузатишлар ва суҳбатлардан маълум бўлишича, уларнинг кўпчилиги ўз амалий фаолиятларида кучсиз авторитар мотивга асосланган бир ҳилдаги ўқитиш жараёнларини қисман ўзгартирган ҳолда фойдаланишади. Бундай ҳолларда ўзлаштиришнинг юқори даражасига деярли эришиб бўлмайди.

Ноанъанавий таълим жарёнида ўқувчилар ва ўқитувчилар муносабатининг ўзига хос жиҳати ўқувчилар мустақиллиги ва ўқув фаолиятини бошқариш эмас, балки ҳамкорликда ташкил этиш, таълим олишда мажбурлаш эмас, балки ўқувчиларни ишонтириш, бирор-бир фаолиятни амалга ошириш буйруқ орқали эмас, балки шу фаолиятни самарали ташкил этиш, шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, имкониятларини чегаралаш эмас, балки эркин танлаш ҳуқуқини бериш саналади.

Ноанъанавий таълим жараёнини ташкил этишда:

- ўрта савияли ўқувчига нисбатан мўлжал олишдан воз кечиш;
- ўқувчиларнинг энг яхши сифатларини аниқлаш ва ривожлантириш;
- таълимда психологик-педагогик диагностикани қўллаш орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилияти, шахсий сифатлари, ақлий фаолиятнинг хусусиятларини аниқлаш;
- ўқувчилар ўзлаштирадиган билим, кўникма ва малакалар динамикасини тасаввур қилиш;
- ўқувчи шахси ривожланишининг дастурига тегишли ўзгартiriшлар киритиш талаб этилади.

2.7. Касб – ҳунар таълимида инновацион технологиялар

Ўқитишдаги инновацион технологиялар – бу ўқувчиларнинг *тизимли ижодий фикрлашини* ва ижодий масалаларни ечишда ностандарт ғоя-фикрларни билдириш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган технологиялардир.

Инновацион ўқитишнинг пировард натижаси қуйидагилардан иборат:

- ўқувчида бошқа кўпчилик одамлар учун кўринмайдиган нарсани кўриш қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш;
- ўқувчининг кўрганини, янги нарса яратиш нуқтаи назаридан, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш. Бунда фақат янгилик эмас, балки муаммо ёки масалани самарали ҳал этиш мақсади қўйилади.

Инновация – бу янги технологияларга, ноу-хау, янги ишлаб чиқариш омилларига тадбиқ этилган янги билимлардан фойдаланиш (ёки маълум билимлардан янгича фойдаланиш) йўли билан янги ихтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракат ёки бундай ҳаракат натижаси (ёки эски ихтиёжни анча самарали қондиришнинг янги йўлини таклиф этиш). Инновация мақсади – юқори даражада бозорбоп янги маҳсулот ёки хизматларни олишдан *иборат*.

Ўқитишдаги инновацион технологиялар учта мақсадни кўзда тутди:

- ўқувчининг шахсий-интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш;
- ўқувчининг илмий тадқиқотлар кўникмаларини эгаллаши ва бунга мос фикрлаш тарзини пайдо қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий ва касб доираларида янгиликлар киритиш методологияларини билиш.

Биринчи мақсад давлат таълим стандартларида кўрсатилган ижтимоий-гуманитар, математик ва табиий фанларни ўқитиш йўли билан таъминланади.

Бунда барча фанлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини, ўз фикрини оғзаки ва ёзма ифодалаш маҳоратини ривожлантиришга қаратилган мос ўқитиш технологияларидан фойдаланилади.

Иккинчи мақсад илмий-тадқиқот кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, бунга фундаментал умумқасбий фанларни ўрганишда эришилади. Бу фанлар ижодий фикрлашни таъминлайдиган ва билиш жараёнини

фаоллаштирадиган ўқитишнинг креатив технологияси, муаммоли ўқитиш технологияси ва б. ни қўлланиб ўқитилади.

Учинчи мақсад инновацион фикрлашни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунга ўқувчилар махсус фанларни танқидий фикрлашни ривожлантирувчи ўқитиш технологиялари асосида ўрганиши орқали эришилади.

Таълимнинг инновационлигини аниқловчи муҳим омиллардан бири таълим программаларидир. Таълим программаларининг инновационликка таъсири қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- таркиби, мазмуни ва муаммолиги;
- нафақат тушунишни, балки маҳоратни ҳам таъминлайдиган мўлжал;
- расмий ва норасмий таълимни қўшиш;
- кўп вариантлилиқ, альтернативлик (муқобиллик) ва кўп аспектлилиқ;
- истиқболлик;
- таълим программасини бажарувчилар таркиби.

Инновацион таълим программалари ўқувчиларда қуйидаги:

- мавжуд бўлганларини янгича кўриш ва бунинг асосида янги ечимларни таклиф этиш;
- ривожланган тасаввурни ва тасаввур ҳамда образларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш;
- танланган фаолият соҳасида янги ўринларни эгаллаш ниятида фаросатли таваккаллик;
- ижодий фаолият методларидан фойдаланиш қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Касб - ҳунар таълимининг инновационлигини тавсифловчи бошқа муҳим омил инновацион динамикадир. Бу, жараённинг босқичларини, бошланғич илмий билимларни натижаловчи маҳсулотга (товар ёки хизматларга) айлантириш метод ва усулларини ифодалайди.

Касбий таълимнинг инновационлиги нафақат унинг дидактик тузилишига, балки ижтимоий муҳим натижаларга – ўқитувчининг психологик сиймосига ҳам тегишлидир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти борлиқни ўзгартиришга, муаммоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш усулларига қаратилган.

Ўқитувчи билан ўқувчининг янгича муносабатларида мажбурлаш ва буйруқларига бўйсундириш бўлмаслиги, балки тенг ҳамкорлик ва биргаликда ишлаш туйғу-хислари бўлиши лозим

Ўқитувчининг инновацион фаолияти қуйидаги асосий вазифалари билан тавсифланади: касбий фаолиятни ирода билан тизимли таҳлил этиш; нормативлар ва қоидаларга танқидий муносабатда бўлиш; касбий янгиликларга очиқлиги; атроф борлиққа ижодий қайта қуриш муносабатида бўлиш; ўзини ифодалашга, ўзининг ният ва ғояларини касбий фаолиятида мужассамлантиришга интилиш.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига янгиликни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгусидаги ҳаракатларининг мақсади ва концепциясини шакллантириш, бу режани амалга ошириш ва уни тўғрилаш, самарасини баҳолаш киради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги шартларга боғлиқ:

- ўқитувчининг ўқувчилар билан конструктив мулоқатга тайёрлиги;
- ўқувчиларнинг қарши фикрларига беғараз муносабатда бўлиш;
- касбий рефлексияга қобилияти;
- инновацион фаолиятга заруриятни сезиш, идрок этиш;
- шахсий мақсадларнинг инновацион фаолият билан мувофиқлаштирилганлиги (уйғунлаштирилганлиги);
- ижодий муваффақиятсизликларни енгишга тайёрлиги.

Бу шартларни бажаришда билим олиш жараёни ва илмий фаолият рағбатлантирилади.

Ўқитишнинг инновацион технологияларига шартли «Фикрларни улашиш вақти» ва «Фикрларни йиғиш вақти», деб аталувчи технология киради.

2.8. Янги педагогик технологиялар

Педагогик технология – тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини иноватга олиб таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёnlарида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир.

ЮНЕСКО ташкилоти маъқуллаган таъриф: «Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини иноватга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёnlарини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир».

Педагогик технологияларни муҳим хусусиятлари, белгилари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва аудиторияда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида талабанинг ўқиш – билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жарпаёни лойиҳасини тузиш;
- таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиш;
- таълим шакллари оптималлаштириш;
- таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
- таълим мақсадларини кўзлаган этолон асосида ўқувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида жуда ойдинлаштириш;
- талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш;
- билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;

- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигининг юқорилиги.

Педагогик технология назарияси ва амалиёти қуйидаги қонуният ва принципларга асосланади:

- таълим – тарбия жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги, бирлиги;
- таълим жараёнини оптималлаштириш: қулай шароит яратиш, оз вақт, кам куч сарфлаб юқори натижага эришиш;
- замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб – қоидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириб бориш;
- илмийлик: таълим – тарбияда янги шакл ва воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқот;
- талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш: ўқитувчи таълим мақсадини, мазмунини пухта билиши, таълим усуллари ва техник воситаларни яхши эгаллаган бўлиши, ўқувчининг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги;
- педагогик жараённи жадаллаштириш: ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва кенг қўллаш;
- ўқув жараёни учун зарур моддий – техник базаси яратиш;
- педагогик жараён натижаларини ҳолисона ва объектив баҳолаш: тест усули, рейтинг тизими, талабанинг билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнини назорат қилиш, баҳолашни автоматлаштириш;
- таълим – тарбиянинг табиатга мослиги;
- таълим – тарбиянинг жамиятга мослиги.

2.9. Педагогик технологияларнинг турлари

Педагогик технология – тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир.

ЮНЕСКО ташкилоти маъқуллаган таъриф: «Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир».

Дастлаб «технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан «технос» (techne) – санъат, ҳунар ва «логос» (logos) – фан сўзларидан ташкил топиб, «ҳунар фани» маъносини англатади.

Бугунги кунда таълим жараёнида қуйидаги ўқитиш технологияларини тадбиқ этиш мумкин:

- шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси;
- авторитар ўқитиш технологияси;
- ишбилармон ўйинли ўқитиш технологияси;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- яқка тартибдаги ўқитиш технологияси;
- табақалаштирилган ўқитиш технологияси;
- дастурлаштирилган ўқитиш технологияси;
- компьютерли ўқитиш технологияси;
- модулли ўқитиш технологияси;
- Кредит ўқитиш технологияси;
- Кейс ўқитиш технологияси;
- ТВ ўқитиш технологияси;
- масофадан ўқитиш технологияси;

- анъанавий ўқитиш технологияси;
- ноанъанавий ўқитиш технологияси.

Педагогик технологияларни муҳим хусусиятлари, белгилари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва аудиторияда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида талабанинг ўқиш – билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жарпаёни лойиҳасини тузиш;
- таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиш;
- таълим шакллари оптималлаштириш.

2.10. Масофали ўқитиш технологияси

Сўнгги йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Замонваий компьютер» ва ахборот технологияларини фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Интернет»га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида кўплаб қарорлар қабул қилинди. Шу муносабат билан барча ўқув муассасаларида, олий ўқув юртларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган мамлакатлар ўқув тизимидаги янгиликлар, ютуқларни ўрганиш ва уларни ўзимизда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозир бу йўналишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, қолаверса, бир қатор университетларда, жумладан Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида кенг кўламда илмий-услубий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозир кунда «Масофадан ўқитиш технологияси» ривожланган мамлакатлар ўқув тизимининг асосини ташкил этади. Бу тизим орқали талабалар фақат белгиланган жойдаги аудиторияларда таълим олмасдан, маълум масофадан туриб таълим олиш, мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Бу каби ўқув тизими Америка, Ҳиндистон очик университетларида кенг йўлга қўйилган.

Масофадан ўқитишнинг турли кўринишлари мавжуд:


- локал компьютер тармоғи орқали;
- глобал компьютер тармоғи орқали;
- махсус кабель телевиденияси орқали;
- ҳар хил компакт дисклар, кассеталар орқали фойдаланиш турлари.

Масофадан ўқитишнинг устун томонлари қуйидагилардир:

- ўқитувчи ва талаба вақтдан ютади;
- талабани замонавий технологияларга яқинлаштиради;
- ҳар томонлама тежамкорликка эга;
- албатта асосийси – ўқитишда, масофа танламайди;
- талабаларнинг ўрганиши учун қулай, осон ва содда;
- қайта ўзлаштириш, такрорлаш, вақтга мослаш имконияти мавжуд;
- кейинчалик иш жойида замонавий технологияларда тадбиқ этиш учун мос;
- ўқув материални замон талабига биноан тез ва доимий ўзгартириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга келажак учун муаммо бўлмаган камчиликлари ҳам мавжуд:
- албатта фойдаланишда зарур компьютер ва техника қуроллари мавжуд бўлиши;
- керакли технологиялардан фойдаланишда етарли кўникмага эга бўлиш;
- техник кўрсаткичларга тобелиги.

Масофавий таълим қуйидаги модел бўйича бажарилади.

Бу моделда кўрсатилган, юқоридаги 3 та бўлимдан 1 таси бўлмаса ҳам масофавий таълим бажарилмайди, албатта 3 та бўлим бўлиши зарур ва мурожаат ҳам кўрсатилган йўналишлар бўйича бажарилиши лозим.



2.2 -расм. Масофавий таълим модели

Ҳозирда масофадан ўқитишнинг бир неча моделлари ишлаб чиқилган қўлланмаларни уларда жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш бўлса, иккинчиси ҳар хил электрон қўлланмаларни тайёрлаш ва уларни CD лар орқали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобланади. Шу муносабат билан ўқув юртлари учун CD ўқув материалларини тезда чоп этувчи марказ ташкил қилиш зарурияти туғилади.

Шу мақсадда бакалавр йўналишлар учун «Информатика» фани бўйича электрон қўлланма тайёрланди. Бу қўлланмани Интернетга жойлаштириш ёки CD лар орқали фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилиш мумкин.

Электрон қўлланма асосан Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган, лекин ундан барча билим юртлари, коллеж талабалари, ўқитувчилар ва умуман ихтиёрий фойдаланувчи ўзига тегишли маълумот олиши, ўрганиши мумкин.

3. ИЖТИМОЙЙ – ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР МАЖМУАСИ

3.1. Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумланиши

Иқтисодий ресурслар иқтисодий потенциалнинг таркибий қисми бўлиб, моддий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан ташкил топади. ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари моддий-техника ресурсларига ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари: бинолар, иншоотлар, машиналар, тракторлар, комбайнлар, барча турдаги кимёвий воситалар, ўғитлар, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, ёғловчи, қурилиш ва бошқа материаллар қиради.

Молиявий ресурсларига давлат томонидан ажратилаётган маблағлар, хўжаликларнинг жорий, валюта счётидаги, ғазнадаги пуллари, амортизация фонди, акциялардан олаётган фойдалари, банк кредитлари ҳамда ички ва ташқи инвестицияларини амалга ошириш натижасида олинаётган маблағлар, таъсисчилар ва бошқа манбалардан келиб тушаётган маблағлар қиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12- ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида сўзлаган “Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги асарида мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётидаги барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида туб бурилишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда.

Уларнинг тармоқ ишлаб чиқаришидаги ўрни ва аҳамияти жуда улкан. Чунки такрор ишлаб чиқариш жараёнида товар маҳсулотлари талаб даражасида етиштирилиши ҳамда иш ва хизматлар кўнгилдагидек бажарилиши барча ресурсларнинг миқдори ҳамда сифатига боғлиқ. Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг амалга оширилиши асосан молиявий ресурслар билан боғланган. Шундай экан, келажакда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника ресурслари талаб даражасида барпо этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Уни давлат, тармоқ ва хўжаликлар миқёсида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарнинг моддий-техника ресурслари тармоқда фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиганларга бўлинади. Тармоқда у ёки бу мақсадда фойдаланилаётганлари-фойдаланилаётган ресурсларни, тармоқда мавжуд бўлиб, айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, вақтинча фойдаланилмаётганлари эса фойдаланилмаётган захира ресурсларни ташкил этади. Фойдаланилаётган

захира ресурсларга захирадаги мелиоратив ерлар, айрим сув хавзаларидаги сувлар, ўрмонзорлар киради.

Тармоқ корхоналарида фойдаланилаётган моддий-техника ресурслари барча ресурсларнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, қуйидагича гуруҳларга бўлинади:

- ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ишлатиладиган, яъни қатнашадиган ресурслар;
- ишлаб чиқаришда билвосита қатнашадиган ресурслар.

Ишлаб чиқаришда бевосита ишлатиладиган ресурслар ёрдамида турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар ва хизматлар бажарилади. Уларга экин экилган ерлар, яйлов ва пичанзорлар, экинларни суғориш учун сарфланаётган сувлар, машина, ер ҳайдаётган, экинларга ишлов бераётган тракторлар, комбайн, маҳсулотни кўпайтириш учун сарфланаётган кимёвий воситалар, ўғитлар, ҳайвонларга берилаётган ем-хашаклар, чорва ҳайвонлари, мевали дарахтлар ва бошқалар киради. Шулар ёрдамида кўпроқ, яхшироқ маҳсулот етиштириш таъминланади. Корхоналарнинг омбор, идора бинолари, айрим иншоотлари, техникалари, алоқа воситалари, компьютерлари ишлаб чиқариш жараёнида билвосита қатнашадилар. Уларни маҳсулот етиштиришга алоқаси чекланган.

Моддий-техника ресурсларининг маҳсулот етиштиришда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аҳамияти улкан. Шунинг учун уларни яратиш, барпо этиш, такрор ишлаб чиқариш зарур. Шу билан бирга улар меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унумдорлиги юксалишини таъминлайди. Масалан, хўжаликнинг моддий-техника базаси қанчалик мустаҳкам (у замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, станоклар билан таъминланган бўлса), барча ишлар шу техника воситалари ёрдамида бажарилиши таъминланади. Меҳнатнинг индустрлашганлигини кўрсатувчи бундай шароит натижасида қўл кучи билан бажариладиган ишлар камаяди. Бу меҳнатнинг характери ўзгараётганлигидан далолат беради, айти пайтда ишчи-хизматчиларнинг билими, малакаси оширилиши талаб этади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Айрим моддий ресурслар табиат маҳсули ҳисобланади. Жумладан, ер, сув, ҳарорат, ёғингарчилик (улар ҳақида ер ва сув ресурслари масалаларига бағишланган бобда батафсил тўхталиб ўтилган). Уларнинг барпо этилиши ҳамда такрор ишлаб чиқарилиши кўпроқ табиатга боғлиқ. Лекин қишлоқ хўжалигида банд бўлган фуқаролар ўзларининг билимларини, тажрибаларини ҳамда тадбиркорлигини ишга солган, фан-техника ютуқларидан, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда бу табиий омиллардан самарали, ўринли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, аксарият ҳолларда яхши натижаларга эришадилар. Шунинг учун ҳам тармоқ ишлаб чиқариши табиатга ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари таркибига чорва ҳайвонлари, ўсимликлар, мевали дарахтлар қатнашиши тармоқнинг муҳим хусусияти эканлигига алоҳида эътибор бериш, шунингдек, саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган моддий-техника воситалари, тракторлар, машиналар, механизмлар, дастгоҳлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёнилғи ҳамда ёғловчи

материаллар ва бошқаларнинг иштирокини ҳам эътиборга олиш лозим. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган моддий-техника воситалари, маълумки, инсон меҳнати натижасида яратилади. Улардан фойдаланиш самарадорлиги тармоқ ишлаб чиқаришининг мавсумийлигига ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратишда юқорида таъкидланган хусусиятларни эътиборга олиш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг жойлашганлиги ҳамда ихтисослашганлигига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга илғор технологияларнинг жорий этилишини ҳамда технологик жараёнларда бажариладиган барча ишларни механизациялаштириш, автоматлаштириш имконини яратиш лозим.

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган моддий-техника ресурслари асосан қуйидаги манбалар ҳисобига барпо этилади:

- корхонанинг маблағлари;
- четдан жалб этиладиган маблағлар.

Биринчисига корхоналарнинг маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар бажариш натижасида олаётган пул даромадлари, тақсимланмаган фойдадан ажратилаётган маблағ, амортизация фондидан ажратилаётган маблағ, амортизация фонди ҳисобланган маблағ, фойдаланилмаётган айрим ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан, ижарага берилаётган воситалардан фойдаланиш натижасида ва бошқа манбалардан олинган маблағлар киради. Бунда хўжаликларнинг акциялар чиқариб сотишдан олаётган пул даромадлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Лекин бу масала республика қишлоқ хўжалигида ҳозирча ҳал этилгани йўқ. Жуда муҳим бўлган бу масалани келажакда, албатта, ҳал этиш зарур.

Иккинчисига ирригация-мелиорацияга, экологияга ҳамда ижтимоий соҳаларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулотларга давлат ҳисобидан ажратиладиган транш маблағлари, тижорат институтларининг кредит маблағлари, турли манбалардан жалб этилаётган инвестициялар, ҳомийларнинг, ҳамкорларнинг маблағлари ва бошқа манбалардан жалб этиладиган маблағлар киради. Бу маблағлар ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари моддий-техника воситаларини уларни ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита ўзларидан ёки биржалардан, кўرғазмалардан, аукционлардан шартномалар асосида сотиб олиб, моддий-техника базаларини мустаҳкамлашлари, айрим ҳолларда фойдаланиш учун ижарага олишлари мумкин. Шундай тартибда шакллантирилган моддий-техника ресурсларидан хўжаликлар йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланишса, барча турдаги тадбирларни вақтида, сифатли амалга оширишлари аниқ.

Корхона ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш тармоқларини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, корхона ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса

такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан — «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақозо этилади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, серҳосил, тезпишар экин навлари, сермахсул чорва зотлари, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

Бу жараёни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, фан-техникани тараққий эттириш йўлидан борилаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли ҳайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта терадиган машиналар, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол тармоқ ва соҳаларда самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида кечиши, бу жараёнда қатнашувчиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳам уйғунлашиши лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали техникаларни, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят, давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришдир.

Фан-техника тараққиёти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермахсул чорва зотларини яратиш;
- ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган барча иш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- сервис хизматларини кўрсатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга вақтида, яхши ҳолатда етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш;

- иқтисодиётининг эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва уларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш;
- фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганлари рағбатлантирилишини такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш.

Фан-техника тараққиётининг шу йўналишлар бўйича амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти натижасида яратиладиган моддий-техника ресурслари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда янги, самарали технология вужудга келиши, бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди. Бу технологиялар иш жараёнларининг белгиланган муддатда, сифатли бажарилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига ва харажатлар камайишига олиб келади.

3.2. Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий-техника ресурсларини шакллантириш, техника тараққиётини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасини ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини талаб даражасида шакллантириш лозим. Бу масалага бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг ўзи катта эътибор бериши керак. Чунки корхоналар мустақил фаолият юритадилар.

Демак, барча корхоналар ўзларига керак бўлган моддий-техника ресурсларини сотиб олишлари, таъмирлаб, бутлашлари, йиғишлари ҳамда куришлари мумкин. Масалан, бино-иншоотларни ўзлари куришлари ёки пудратчиларга беришлари, машина, трактор, комбайнларни ўзларида ёки ихтисослашган корхоналарда йиғиб, таъмирлаб олишлари мумкин. Янги қишлоқ хўжалик техникаларини кимёвий воситаларни, ёқилғиларни, озукаларни эса уларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан бевосита ўзлари ҳамда биржалар, аукционлар ёрдамида заводлардан сотиб олишлари мумкин.

Корхоналар моддий-техника ресурслари базасини мустаҳкамлашда самарали йўллардан, усуллардан фойдаланишлари, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилишлари керак.

Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда айрим салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Маълумки, марказдан маъмурий усулда режали бошқарилган иқтисодиёт шароитида барча моддий-техника ресурслари корхоналарга асосан марказлаштирилган ҳолда бепул берилган. Уларнинг қийматлари маҳсулотларнинг баҳолари: солиқлар, субсидия, дотация ва бошқа механизмлар ёрдамида ундириб олинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу масала асосан корхона маблағлари эвазига амалга оширилмоқда. Корхоналарнинг маблағлари эса етмайди. Сабаби – бир томондан, тармоқ маҳсулотларининг баҳоси ўртасидаги номуносиблик, иккинчи томондан, товар ва хизматлар ҳақини ўз

вақтида тўланмаслик ҳолатининг мавжудлигидир. Бундай ҳолатга чек қўйиш учун республика ҳукумати томонидан сезиларли ёрдам берилмоқда. Бу ёрдам транш, инвестиция, кредит шаклларида амалга оширилиб, улар ҳисобидан корхоналарнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилмоқда.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг машина, трактор, механизмларга бўлган талаблари ҳам тўлиқ қондирилгани йўқ. Бу муаммони ҳал этиш учун машина, трактор ва механизмларни корхоналарининг талабини қондирадиган даражада сотиб олиш зарур. Бунинг учун уларни қайси манбалар ҳисобидан, қаерлардан, қандай йўللар билан, қандай тартибда олиш мумкинлигини ҳам билиш керак. ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган сармоялар ҳисобидан моддий-техника ресурсларининг айримларини қуришлари, таъмирлашлари, баъзиларини сотиб олишлари, ижарага олишлари, айримларини эса парвариш қилиб, барпо этишлари мумкин. Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида корхона маблағларининг камлиги, уларнинг бир меъёردа шаклланмаётганлиги ҳамда саноатда яратилаётган моддий-техника ресурслари баҳоларининг юқори суръатлар билан ўсиши тармоқдаги моддий-техника ресурсларини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати харажатлари ошиб бормоқда. Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш қишлоқ хўжалигида лизинг кредити ривожлантирилиши, бу эса қишлоқда лизинг билан шуғулланувчи фирма, компаниялар сони кўпайтирилишини, уларнинг фаолиятлари ривожлантирилишини талаб этади. Лизинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз маблағларига қишлоқ хўжалиги корхоналари учун зарур бўлган техникаларни, бино-иншоотларни ҳамда бошқа асосий воситаларни ижарага берувчилардан олиб беришлари мумкин. Бундай хизматлари учун улар қишлоқ хўжалиги корхоналаридан лизинг фоизларини оладилар.

Лизинг ташкилотлари лизинг кредити фоизларини тўлаш муддатларини кечиктириши ҳамда чўзиши мумкин. Лизинг кредитларини, хизматларини амалга оширишда уч томон – асосий воситаларни ижарага берувчи корхоналар, лизинг ташкилотлари ҳамда ижарага олувчи корхоналар қатнашадилар. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари моддий-техника ресурсларини шакллантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий механизмлар, масалан, давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар, имтиёзли кредитлаш тизимини ва бошқаларнинг кўламини келажакда кенгайтириш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш билан биргаликда улардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш лозим. Демак, тармоқ корхоналарида улардан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун юқорида таъкидланган кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Лекин ўтиш даврининг ҳозирги босқичида улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Чунки машина, трактор, комбайнларнинг ишга яроқлилиқ ҳолати юқори даражада эмас. Жами тракторларнинг ишга яроқлилиқ даражаси ҳозирги пайтда 68-72 фоиздан, пахта териш машиналарининг тайёргарлик ҳолати эса 25-36

фоиздан, ғалла комбайнлариники 30-33 фоиздан ошгани йўқ. Бундай ҳолат машина, трактор ҳамда комбайнларнинг ишга яроқлилигини таъминлаш учун зарур бўлган бутловчи воситалар етишмаслиги, уларни сотиб олиш учун эса молиявий ресурслар камлиги туфайли содир бўлмоқда.

3.3. Корхонани моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмоқда. Чунки бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш ва бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги ўзгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Энг аввало, бу борадаги асосий кўрсаткич – жамоа, ширкат ҳамда қўшма ва давлат корхоналарининг, ҳиссадорлик жамиятларининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш керак. Маълумки, хўжалик ўз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари ўртасида мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор беради. Сабаби – тракторлар кўп, уларга тиркаладиган механизмлар кам ёки акси бўлса, кутилган самарага эришиб бўлмайди. Чорва ҳайвонлари кўп бўлиб, ем-хашак кам бўлиши ҳам фойдасиздир. Демак, корхоналар самарали мувозанатдаги моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланган бўлишлари керак. Унинг даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш лозим:

$$МТР_{ТДК} = \frac{(E_k + (A\Phi_k - A_c) + A\Phi_k + BГ_k)}{KХ_e};$$

Бунда: $МТР_{ТД}$ – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм;

E_k - қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

$A\Phi_k$ - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (сўмда);

A_c – асосий воситаларнинг ўртача йиллик эскириш суммаси (сўмда);

$A\Phi_k$ – айланма воситаларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда);

$BГ_k$ - боғлар, тоқзорларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда).

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига қанча сўмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг миқдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа аниқ кўрсаткичлар ёрдамида янада аниқлаштирилади.

Жумладан, хўжаликнинг таъминланганлик даражасини, масалан, асосий ва айланма фондлар ёки ҳайдов, чопиқ тракторлари билан таъминланганлик

даражасини шу кўрсаткич таркибидаги бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкин. Улар ушбу маърузалар матнининг 7-бобида батафсил ёритилган.

Масалан, корхоналарнинг энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Унинг миқдори хўжаликдаги жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучи ҳисобида) фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерлари ёки экин майдонига тақсимланиб аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Эрт к} \frac{\text{ЭРк}}{\text{Эм (КХе)}}$$

Бунда: ЭРк - жами энергетик ресурслар қуввати (от кучида);

Эм (КХе) – жами экин майдони (қишлоқ хўжалик ерлари).

Унинг миқдори ҳам меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражаси. У юқорида таъкидланган жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучида) меҳнат қилган кишиларнинг ўртача йиллик миқдорига (кишилар) тақсимлаб аниқланади. Бунда ушбу тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Эркк} \frac{\text{ЭРк}}{\text{Мр}}$$

Бунда: Мр – ишлаган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар корхонада бажариладиган барча ишларнинг қай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини ўрганишга ёрдам беради. Лекин уларнинг миқдори, юқорида қайд этганимиздек, белгиланган меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражасини ҳам аниқлаш лозим. Бунинг учун трактор, механизмлар, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (эталон гектарда) миқдори корхона бўйича бажарилган жами ишлар ҳажмига (эталон га) тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Мдк} \frac{\text{Ми}}{\text{Жи}} \times 100 \%$$

Бунда:

Мд - ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси, фоизда;

Ми - машина, тракторлар механизмлар ёрдамида бажарилган иш (эт.га);

Жи - жами бажарилган иш миқдори (эт.га).

Бу кўрсаткич жами ҳамда айрим иш, экин турлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, экинларни экиш, уларга ишлов бериш, ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича. Чорвачиликда эса сигирларни соғиш, чорва ҳайвонларини суғориш, уларга ем бериш ва бошқа иш турлари бўйича. Сигирларни соғиш жараёнининг механизациялаштирилганлик даражасини аниқлаш учун машина, агрегатлар ёрдамида соғилган сигирлар бош сонини жами соғилган сигирлар бош сонига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш лозим... Бу кўрсаткичлар 100 фоиздан юқори бўлмаслиги шарт.

Янги техникалардан, технологиялардан фойдаланиш натижасида меҳнат, маблағ харажатлари тежалиши таъминланади. Унинг даражасини аниқлаш учун янги техника, технология жорий этилмасдан аввал қилинган харажатлардан улар жорий этилганидан сўнг қилинган харажатлар миқдори, суммаси айрилиб, аниқланган рақам дастлабки харажатларга тақсимланади ва 100 фоизга кўпайтирилади. Уларни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$X_{TK} \frac{X_1 - X_2}{X_1} * 100 \%$$

Бунда:

X_1 - янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

X_2 - янги техника, технология жорий этилгандан сўнгги харажатлар (сўм).

Юқорида таъкидланган кўрсаткичлар билан биргаликда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги мавжуд моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун аввало, машина-трактор ҳамда автомашиналар паркидан фойдаланиш коэффициенти аниқланади. Буни ҳисоблаш учун хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар миқдорини унда мавжуд бўлган машина-тракторлар миқдорига тақсимлаш лозим. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$МТПФ_k \text{ қ } \frac{\Phi_c}{M_c},$$

Бунда:

МТПФ_к – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти.

Φ_с - фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона).

М_с - мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона).

Машина-тракторлар ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси ҳам аниқланади. Уни жами ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\overline{M}_{Kk} \text{ қ } \frac{\sum M_k}{M_c}; \overline{T}_K \text{ қ } \frac{\sum T_k}{T_c}; \overline{K}_K \text{ қ } \frac{\sum K_k}{K_c}.$$

Бунда:

$\overline{M}_K$ - битта машинанинг 1 ойда, мавсумда, йилда ишлаган (қатнашган) ўртача кун;

$\sum M_k$ - жами ишлаган машина кунлари;

$\sum T_k$ - жами ишлаган трактор кунлари;

$\sum K_k$ - комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;

М_с-ишлаган машиналари сони;

Т_с-тракторлар;

К_с-комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхонада 1 трактор, комбайн ёки машина йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичнинг миқдори юқорига интилиши қонуний ҳисобланади.

Шу билан биргаликда ўртача ва алоҳида ҳар бир машина-трактордан, юк машинасидан, дон комбайни, пахта терувчи машинадан фойдаланиш даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун машиналар (т/км), тракторлар (эт.га), комбайнлар (гектар, тонна) ёрдамида алоҳида-алоҳида жами бажарилган иш ҳажмини шу ишларни бажаришда қатнашган, юқорида кўрсатилган техникаларнинг ўртача сонига тақсимланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ТМК_{и} \approx \frac{T_{и}}{T_{с}}; \frac{M_{и}}{M_{с}}; \frac{K_{и}}{K_{с}},$$

Бунда:

$ТМК_{и}$ – трактор, машиналарнинг ўртача бажарган иши (1 сменада, 1 кунда, мавсумда, 1 йилда эталон гектарда, тонна/км, тоннада, гектарда).

$\sum T_{и}, M_{и}, K_{и}$ – тракторлар, машиналар, комбайнлар ёрдамида бажарилган жами иш ҳажми (эталон гектарда, тонна-километрда, тоннада);

$\sum T_{с}, M_{с}, K_{с}$ – шу ишларни бажаришда қатнашган тракторлар, машиналар, комбайнларнинг ўртача сони (дона).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида, масалан, 1 та трактор маълум муддатда бажарган иш миқдори аниқланади. Унинг миқдори юқори бўлгани яхши.

Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам аниқланади. Масалан, 1 эт. гектарнинг, 1 тонна км, 1 киловат соатнинг таннарни исботланади. Улар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$\mathcal{E}Г_{тнк} \frac{\sum M_x}{\sum \mathcal{E}T_{га}}; \text{ Бунда: } \mathcal{E}Г_{тн}-1 \text{ эталон га. таннарни (сўмда);}$$

$\sum M_x$ – механизация ёрдамида бажарилган ишларга қилинган жами харажат (минг сум);

$\sum \mathcal{E}T_{га}$ - жами бажарилган иш ҳажми (эталон га).

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, чуқур таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажакда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади.

3.4. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили

Мамлакат минтақа ва айрим олинган корхоналарнинг пировард натижаси унинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига, аҳолининг маданий техник савиясига, фан техника тараққиётига ва унинг моддий техник таъминотига боғлиқ бўлади. Юқорида қайд қилинган ҳолатларнинг устун ривожланиши пировард натижанинг самарадорлигини таъминлайди ва аксинча.

Вилоят иқтисодий тармоқларининг ривожланиш даражаси ва унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини қуйидаги жадвал асосида таҳлил қилиб кўрамиз.

2013 йилнинг январ-декабр ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 8828,1 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМнинг реал ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 105,6 фоизни ташкил қилди. 2.2.4 жадвал асосида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотини таҳлил қилганимизда таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида йиллик ўсиш 4-6 фоизни ташкил этмоқда. 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган жамикичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (дехкон ва фермер хўжаликларисиз) сони 20430 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,4 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (ўтган йилнинг шу даврида 51,4фоиз) ишлаб чиқарилди.

3.1 – жадвал

Вилотнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ва унда иқтисодий тармоқлари улушининг таҳлили

Кўрсаткичлар	ў/б	Йиллар			
		2011	2012	2013	2014
Ялпи ҳудудий маҳсулот амалдаги баҳода	млн.сум	4865095,00	5 879473,40	7 538 106,30	8 828 128,60
Утган йилга нисбатан	%	103,90	106,30	104,50	105,60
ш.ж. сохалар улуши % да					
Саноат	%	40,70	39,60	39,00	37,40
Кишлоқ хўжалиги	%	18,40	18,20	19,40	19,80
Курилиш	%	7,00	6,50	6,40	6,50
Транспорт ва алоқа	%	4,50	6,90	6,90	7,50
Савдо ва ум. овкатланиш	%	4,30	6,20	6,00	6,40
Бошқалар	%	17,70	12,80	12,80	14,00
Соф солиқлар	%	7,40	9,80	9,50	8,40
Кичик бизнес	%	55,00	56,20	52,40	51,40

улуши					
Маҳаллий бюджет					
Даромадлари режаси	млн.сум м	765 755,10	108970,73	1136 088,80	12189046,39
хакикатда	млн.сум м	772711,90	1103489,55	1147 926,50	1305 213,74
режанинг бажарилиши	%	100,90	101,30	101,00	101,30
Харажатлари режаси	млн.сум м	710 633,50	838 404,43	1 086 709,00	1 280 241,33
хакикатда	млн.сум м	707 950,30	843 034,65	1 091 266,00	1 286 495,34
режанинг бажарилиши	%	100,00	100,60	100,40	100,50
Молиявий натижалар					
Дебитор карзлар (ички карзларсиз)	млн.сум	233 329,60	82 104,10	100 307,10	10 189 614,20
<i>ш. ж: муддати утгани</i>	млн.сум	2 119,00	1 416,10	4 129,50	6 141,00
Кредитор карзлар (ички карзларсиз)	млн.сум	730 027,90	963 150,50	1 111 618,00	7 536 496,90
<i>ш. ж: муддати утгани</i>	млн.сум	235,50	1 196,40	1 359,90	2 249,50

Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 77,8 фоизини (834,7 минг киши) кичик тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилди. Ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик 51-55 фоизни ва саноатнинг улуши 37-41 фоизни ташкил этиб салмоқли ўринларни эгаллаб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,7фоизни ташкил этди ва 589594,3 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 10,1 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 106,8 фоизни, 2606187,1 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,5 фоизни) ташкил қилди.

2013 йил январ-декабр ойида саноат маҳсулоти ҳажми 5814031,3 млн. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 634789,3 млн. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 113,0 фоизни ташкил этди. Жумладан 453049,0 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 181740,3 млн. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари 112,9 фоиз ва ноозиқ-овқат моллари 113,3 фоизга ўзгарган).

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг самарали фаолият юритиши натижасида маҳаллий бюджетнинг режалаштирилган даромадлар ва харажатлар режаси ошириб бажарилган.

3.2 – жадвал

**Вилоятда капитал курилиш ва асосий воситаларни фойдаланишга
топшириш ҳолати таҳлили**

Курсаткичлар	Улчов	2010	2011	2012	2013
	бирлиги	йил	йил	йил	йил
1. Асосий капиталга инвестиция (амалдаги баҳода)	млн.сум	1597969,9	1914906,4	2824411,6	3352870,0
Усиш суръати	%	63,3	104,9	126,6	102,5
<i>шундан:</i>					
Курилиш - монтаж ишлари (амалдаги баҳода)	млн.сум	711712,7	823576,0	1424375,3	1636670,5
Асбоб ускуналар машина ва дастгоҳлар	млн сум	373585,7	566204,2	797483,2	1126122
Бошқалар	млн сум	886257,2	525126,2	602553,1	590077,5
2. Пудратчилар томонидан бажарилган пудрат ишлари (амалдаги баҳода)	млн.сум	679458,7	810092,2	947764,7	1195170,4
Усиш суръати	%	129,3	108,8	112,0	108,9
3. Фойдаланишга топшириш:					
- Уй-жой курилиши, жами	минг кв.км	853,4	862,9	864,7	887,1
<i>манбалар буйича::</i>					
-Корхона маблағи	минг кв.м	х	5,7	2,6	7,7
-Аҳоли маблағи	минг кв.м	751,9	733,9	733,3	730,5
Намунавий уй-жой курилиш	минг кв.м	101,5	123,4	128,8	148,9
Ижтимоий-маданий хизмат объектларини топшириш					
Урта таълим мактаблари	ўқув.урин	630	6500	11576	11510
Коллеж ва лицейлар	уқув.урин	3765	-	4230	1110
шифоатхоналар	катнов	260	420	450	650
газ тармоклари	км	28,0	0,5	-	-
сув тармоклари	км	300,3	355,7	123,3	143,8

Вилоятда капитал курилиш ва асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ҳолатини 3.4.2 жадвал асосида таҳлил қилганимизда асосий капиталга инвестиция киритиш (амалдаги баҳода) таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида мос равишда 63,3, 104,9. 126,6. ва 102,5 фоизга, Пудратчилар томонидан бажарилган пудрат ишлари (амалдаги баҳода) 129,3, 108,8, 112,0, ва 108,9 фоизга ўзгарган.

3.3 – жадвал

**Вузур туманида хўжалик юритувчи субъектлар сони ва уларнинг ўзгариши
динамикаси таҳлили**

Кўрсаткичлар	ў/б	2011	2012	2013	Ўзгариши %
Хўжалик юритувчи субъектлар сони	бирлик	4878	5027	5147	105,5
Шундан					
Давлат мулки шаклида	бирлик	144	162	183	127,1
Нодавлат мулки шаклида.	бирлик	4734	4865	4964	104,8
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	4726	4872	4984	105,4
Шундан:					
Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	4602	4808	4912	106,7
Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	124	64	72	58,1
Кичик корхоналар сони	бирлик	48	64	257	53,5
Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	47	63	255	542,5
Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	1	1	2	200,0
Хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	4678	4808	4727	101,0
Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	4555	4745	4657	102,2
Фаолият кўрсатмаётгани	бирлик	123	63	70	56,9
Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони	бирлик	2	2	2	100,0
Шу жумладан					
Республика тасарруфидаги корхоналар	бирлик	-	-	-	
Худудий тасарруфдаги корхоналар	бирлик	2	2	2	100,0
Улардан фаолият кўрсатмаётган корхоналар	бирлик	1	1	1	100,0
Кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот	млн.сўм	52		56,4	108,5
Кўшма корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми	минг.долл	-	-	-	x

Жадвал маълумотлари асосида туманда хўжалик юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 105,5 фоизга, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони эса 105,4 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин.

3.4 - жадвал

Ғузор тумани “Қарши бобо ” фермер хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаларининг иқтисодий самарадорлиги

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш воситалари (минг сўм)	м.сўм	74840,30	83541.5	89425,60	14585,30	119,49
	Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти қиймати	м.сўм	90070,00	119772,00	131811,00	41741,00	146,34
	Фонд қайтими	сўм	1,20	1,43	1,47	0,27	122,47
	шундан	сўм					
	а)деҳқончиликда	сўм	1,19	1,16	1,45	0,26	122,05
	б)чорвачиликда	сўм	0,02	0,02	0,02	0,00	117,86
	Фонд сиғими	сўм	0,83	0,69	0,68	-0,15	81,65
	Қўшимча қиймат нормаси	%	13,13	31,24	21,65	8,52	164,85

Маълумки қишлоқ хўжалиги корхоналарида товар пул муносабатларини ривожланишида асосий ишлаб чиқариш воситаларининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни механизациялаш товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва тушум ҳажмининг ошишига олиб келади. Шу боис фермер хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш воситалари ва уларнинг қайтимини таҳлил қилганимизда, ўтган даврда корхонада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймат ҳолида 119,49 фоизга, ялпи маҳсулот қиймат 146,34 фоизга, фонд қайтими 122,47 фоизга, фонд сиғими эса 81,65 фоизга, фойда нормаси 164,85 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Юқоридаги кўрсаткичларнинг ижобийлиги ҳар қандай иқтисодчи мутахассисни қувонтиради албатта, бироқ бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бў кўрсаткичларни янада яхшилаш муҳимдир

3.5 -жадвал

Ғузор тумани " Қарши бобо " фермер хўжалигининг молиявий натижалари таҳлили

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	м.сўм	90070,0	119772,0	131811,0	41741,0	146,34
	Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларни таннари	м.сўм	76303,0	83971,0	101213,0	24910,0	132,65
	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	м.сўм	13767,0	35801,0	30598,0	16831,0	222,26

	Давр харажатлари	м.сўм	13061,0	32573,0	28526,0	15465,0	218,41
	ш.ж.дан; Сотиш харажатлари	м.сўм	3152,0	4192,0	4613,0	1461,0	146,35
	Маъмурий харажатлар	м.сўм	9909,0	28381,0	23913,0	14004,0	241,33
	Асосий фаолият фойдаси	м.сўм	706,0	3228,0	2072,0	1366,0	293,48
	Умумхўжалик фаолият фойдаси	м.сўм	706,0	3228,0	2072,0	1366,0	293,48
	Фавкулотда фойда ва зарарлар	м.сўм	7560,0	9722,0	6805,0	-755,0	90,01
	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	м.сўм	8266,0	12950,0	8877,0	611,0	107,39
	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	м.сўм	8266,0	12950,0	8877,0	611,0	107,39

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади инсон эҳтиёжлари учун модди неъмат (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва фойда олишдан иборатдир. Шунинг учун фермер хўжалигини молиявий натижаларини 2.2.7 жадвал маълумотлари билан таҳлил қилганимизда, қишлоқ хўжалиги корхонасида маҳсулот сотишдан соф тушум 146,34 фоизга, сотилган маҳсулотларни таннари 132,65 фоизга, маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси 222,26 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Фермер хўжалигида давр харажатлари 218,41 фоизга, шу жумладан сотиш харажатлари 146,35 фоизга, маъмурий харажатлар 241,33 фоизга ўзгарган бўлиб, фермер хўжалигида асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фаолияти фойдаси 293,48 фоизга, фавкулотда фойда ва зарарлар 90,01 фоизга, солиқ тўлагунга қадар фойда 107,39 фоизга, ҳисобот даврининг соф фойдаси 107,39 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Жадвалда фавкулотда фойда миқдори камайишининг асосий сабаби, кейинги илларда мамлакатда пахта ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган ижобий тафовутнинг бир қисми фермер хўжалигига молиявий кўмак сифатида бериш йўлга қўйилган. Бунинг кам ёки кўп бўлиши асосан жаҳон бозорида пахта толаси харид баҳоларининг ўзгаришига оғлиқ. Агар давлатимиз пахта толасини жаҳон бозорида қанча қиммат миқдорда сотишга эришса бу ўз навбатида бериладиган кўмак пулларининг ошишига сабаб бўлади.

3.6 - жадвал

Ғузор тумани “Қарши бобо” фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
1	Сотилган маҳсулотдан тушган жами даромад	м.сўм	90070,00	119772,00	131811,00	41741,00	146,34
	а) деҳқончиликда	м.сўм	73407,05	97247,37	101814,5	28407,45	138,70
	б) чорвачиликда	м.сўм	1346,60	1896,40	2422,90	1076,30	179,93

2	Жами сотилган маҳсулот таннари	м.сў м	76303,0 0	83971,00	101213,0 0	24910,0 0	132,65
3	Фойда	м.сў м	13767,0 0	35801,00	30598,00	16831,0 0	222,26
4	Рентабеллик даражаси	%	18,04	42,63	30,23	12,18	
5	Жами ялпи маҳсулот қиймати	м.сў м	90070,0 0	119772,0 0	131811,0 0	41741,0 0	146,34
	а) деҳқончиликда	м.сў м	73407,0 5	97247,37	101814,5	28407,4 5	138,70
	б) чорвачиликда	м.сў м	1346,60	1896,40	2422,90	1076,30	179,93
6	Ялпи маҳсулот						
	а) 1 ишчига	м.сў м	2573,42	3151,89	3562,45	989,03	138,43
7	Фойда						
	а) 1 ишчига	м.сў м	393,34	942,13	826,97	433,63	210,24
	б) 1 киши соатига	м.сў м	0,20	0,51	0,44	0,24	219,39
	в) ҳар 100 сўм харажатга	м.сў м	18,04	42,63	30,23	12,18	167,57

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлил қилинганда, таҳлил даврида рентабеллик даражаси кўрсаткичлари 2012 йилда энг юқори кўрсаткич 42,63 фоизни ташкил этган, уч йиллик даврда ўртача 12,18 фоиз ўсиш таъминланган. Бир ишчи ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 138,43 фоизга, фойда бир ишчига 210,24 фоиз, бир киши соати ҳисобига 219,39 фоизга, ҳар бир юз сўмлик харажат эвазига эса 167,57 фоиз ўсиш таъминланган.

3.5. Илмий-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ва унинг асосий йўналишлари

Илмий-техника тараққиёти – фан, техника, технология ютуқларини жорий этиш асосида меҳнат қуролларини, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш борасидаги узлуксиз жараён ҳисобланади.

У қуйидаги асосий иқтисодий ижтимоий масалаларни ҳал этади:

- ходимларни меҳнат шароитини яхшилайти;
- унинг мазмун ва мақсадини оширади;
- атроф муҳит муҳофазасини яхшилайти;
- аҳоли турмуш форовонлиги даражасини оширади;
- мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлайди.

Илмий-техника тараққиёти ўзининг ривожланиши босқичида иккита асосий бир бири билан боғлиқ эволюцион ва революцион жараёнларни ўтайди.

Эволюция жараёни аста-секин тараққий этиш жараёнида тўпланган тажрибаларга асосланган ҳолда, илмий-техника тараққиётини такомиллашувини

характерлайди. Бу жараён узоқ муддат давом этиши мумкин, асосан бошланғич босқичларида юқори самара беради.

Унинг маълум бир босқичида илмий-техника тараққиёти такомиллашуви юзага келади. Бир томондан улар етарли даражада самарасиз бўлса, бошқа томондан ишлаб чиқариш кучларини тубдан қайта қуришга имконият юзага келади. У юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайди. Революцион ҳолат юзага келади. Илмий-техника тараққиётининг бу шакли революцион деб аталади.

Илмий-техника тараққиёти таъсири остида ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасида сифат ўзгаришлар юзага келади.

ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг тараққиёти фан-техника ютуқларига таянади. У қуйидагиларда ифодаланади:

- Энергиянинг янги манбаларидан фойдаланиш;
- Электроникани кенг жорий этиш;
- янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш;
- Олдиндан белгиланган хусусиятлари бўйича прогрессив материаллардан фойдаланиш.

Буларнинг барчаси ўз навбатида тармоқларни тез суръатлар билан ривожланиши ва халқ ҳўжалигини техник қайта қўролланишини таъминлайди.

Илмий-техника тараққиёти саноат ишлаб чиқаришини ривожланиши ва жадаллашувида асосий ролни ўйнайди. У жараённинг барча бўғинларини ўз ичига олади, шу жумладан назарий ва фундаментал изланишлар, конструкторлик ишлари, янги техника намуналарини ажратиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу ерда саноат ишлаб чиқариш базасини янгиланиш жараёни амалга ошади, меҳнат унумдорлиги ортади ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Охирги йилларда саноатда материал сарфларнинг камайишини 60 фоиздан ортиғи илмий-техника тараққиёти хиссасига тўғри келмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳолат маълум бир жихатдан ўзгарсада, илмий техника тараққиёти ва унинг самарасига бўлган эътибор ўз кучини сақлаб қолади. Сабаби у иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий объекти ҳам ҳисобланади.

Илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишлари:

- Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- Химиялаштириш;
- Ишлаб чиқаришни электрлаштиришдан иборатдир.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш илмий-техника тараққиётининг бош йўналишларидан ҳисобланади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланишни ифодалайди, яъни барча жараёнларни машина ва механизмлар ёрдамида бажарилади. Бу ишлаб чиқаришни интенсивлашувига, меҳнат унумдорлигини ўсишига, ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини қисқаришига, иш шароитини енгиллашуви ва яхшиланишига, маҳсулот меҳнат сиғимини камайишига олиб келади.

Ушбу жараён қуйидаги яъни механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш босқичларида амалга ошади:

Механизациялаш жараёни дейилганда биз айрим операцияларни машина ва механизмлар ёрдамида бажарилишини тушунамиз.

Кейинги босқич комплекс механизациялаш деб юритилади, бу ерда технологик жараённинг барча операциялар машина ва механизмлар ёрдамида бажарилади. Бу ерда механизациялаш даражаси кескин ортади ва интенсивлашни таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар:

Ишлаб чиқаришни механизациялаш коэффиценти — бу машина механизмлар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотни жами ишлаб чиқилган маҳсулот қийматига нисбати билан;

Ишларни механизациялаш коэффиценти — машина ва механизмлар ёрдамида бажарилган ишни умумий иш хажмига нисбати билан;

Меҳнатни механизациялаш коэффиценти — механизациялашган иш билан банд бўлган ходимлар сонини умумий ишчилар сонига нисбати билан аниқланади.

Ҳозирги замон шароитида халқ-хўжалигининг барча соҳаларида комплекс механизациялашни жараёни яқунлашуви ва автоматлашувга ўтиш вазифаси қўйилган.

Автоматлаштириш механизациялашнинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бу ерда техник воситалар қисман ёки тўлиғича инсон қатнашувини алмаштиради. Автоматлаштириш қисман, комплекс ва тўла бўлиши мумкин.

Автоматлаштиришнинг ташкилий-техник шarti:

- ишлаб чиқариш ва ташкил этишнинг такомиллаштириш эҳтиёжи, узлукли технологиядан узлуксиз технологияга ўтиш зарурлигидан;
- ишчи меҳнати шароити ва характери яхшилаш заруриатидан;
- мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришдан иборатдир.

Автоматлаштириш даражаси кўрсаткичлари механизациялаш даражаси кўрсаткичлари сингари бўлади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, ишни автоматлаштириш коэффиценти ва меҳнатни автоматлаштириш коэффиценти кўрсаткичларидир.

Автоматлаштиришнинг самарадорлиги ортиши қуйидаги йўналишлар:

- аниқ объектнинг автоматлаштириш вариантлари техник иқтисодий таҳлили методикасини такомиллаштириш;
- автоматлаштириш воситаларидан интенсив фойдаланиш шартларини таъминлаш;
- хизмат кўрсатишни такомиллаштириш;
- ишлаб чиқарилаётган машина ва қурилмаларнинг техник- иқтисодий тафсифини ошириш, асосан копёбтерлаштириш орқали амалга оширилади.

Компьютерлар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш жараёнидагина кенг қўлланилиб қолмай у бошқа соҳаларда ҳам қўлланилмоқда.

Ҳар-хил ишлаб чиқариш фаолиятларига компьютер ва микроэлектроника техникаларни жорий этиш ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш деб юритилади.

Компьютерлаш ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш асоси ва самарадорлиги ортишининг зарурий шarti ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда уни янги авлодларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Компьютерлаштиришнинг тараққиёти натижасида миллий ва халқаро коммуникация-ҳисоблаш алоқалари юзага келди, космик алоқаларни янги авлодлари базасида инфор­мацион манбаларни олишга катта имкониятлар яратилмоқда.

Химиялаштириш – илмий-техника тараққиётининг асосий йўналиши ҳисобланади. У кимёвий технологияни хом ашё ва материалларни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, интенсивлаштириш, янги турдаги маҳсулот олиш, уни сифатини ошириш, самарадорлигини ошириш ва шароитини яхшилашга имконият яратилади.

Ишлаб чиқаришни химиялаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни олишимиз мумкин:

- янги электрохимояланган материаллар ишлаб чиқариш;
- пластмасса ва синтетик смолалардан фойдаланишни кенгайтириш;
- прогрессив кимё-технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- кимёвий хом ашёлардан фойдаланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Ҳар бир йўналиш ўз ҳолати бўйича самарали ҳисобланади, уларни комплекс жорий этиш юқори даражада фойда келтиради.

Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ортишини катта имкониятларини белгилаб беради.

Кимёлаштириш даражаси кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар:

- ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда кимёвий технологиянинг улуши;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган полимер материалларни улуши хизмат қилади.

Илмий-техника тараққиётининг йўналишларидан яна бири электрлаштириш ҳисобланади. Электрлаштириш-бу ишлаб чиқаришда технологик жараён ва куч машиналарини ҳаракатга келтирувчи манба энергиядан кенг фойдаланиш тушунилади.

Ишлаб чиқаришни электрлаштириш асосида комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва илғор технологияни жорий этиш амалга оширилади. қўл меҳнатини машина ва механизмлар билан алмаштиришни таъминлайди. Унинг энг юқори самараси технологик жараёнларда электр энергиясидан фойдаланишдир.

қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни электрлаштириш коэффиценти фойдаланилган электр энергия миқдорини йил давомида истеъмол қилинган энергияга нисбати;

2. Технологик мақсадларда фойдаланилган электр энергия миқдорини жами электр энергиядаги улуши;

3. Меҳнатни электр билан қуролланганлиги, ўрнатилган электр қурилмалари қувватини ишчилар сонига нисбати кўрсаткичлари саноатда электрлаштириш даражасини тавсифлайди.

Бугунги кунда электр энергияси гидроэлектр станциялари, иссиқлик электр станциялари ва атом электр станциялари орқали олинади. Республикамиз иқтисодиётида иссиқлик ва сув электр станциялари асосий ўринни эгаллайди. Бизнинг республикамизда атом электр станцияси мавжуд бўлмасада, сўнгги йилларда улар орқали ишлаб чиқарилаётган электр энергиялар миқдори камайиб бормокда.

Юқорида айтиб ўтилган йўналишлардан ташқари адабиётларда (белгиловчи) етакчи йўналишлар талқин этиб борилади. Уларга:

- Халқ хўжалигини электронлаштириш – барча соҳаларни юқори самарали компьютерлари билан таъминлаш;

- Электронизация базасида халқ хўжалигини барча тармоқларини комплекс автоматлаштириш – сонли программалашган бошқарувни, лойихалаш ишларини программалаштириш, саноат роботларидан фойдаланиб, юклаш тушуриш ишларини автоматлаштириш воситаларини жорий этиш;

- Атом энергетикасини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

- Самарали янги сифат хусусиятига эга бўлган материаллар яратиш ва жорий этиш (чиришга, иссиқликка, нурланишга чидамли, тез ўтказувчан ва ҳоказо);

- Принципиал янги технологияларни яратиш – лазер нурларидан, плазма ва бошқа моддалардан фойдаланган технология;

- Биотехнологияни жадал суръатлар билан ривожлантириш.

3.2.1 жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2012 йил январ-декабрида саноат маҳсулоти ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳолати таҳлили (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	Саноат маҳсулоти^{*)}	2012 йил январ-декабрига нисбатан фоизда	Истеъмол товарлари	2012 йил январ-декабрига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	41655,9	106,3	14926,3	111,0
вилоятлар:				
Қашқадарё	4307,6	105,2	445,4	120,6

^{*)} Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Саноатни устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан – «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақазо этилади. Улар саноат учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

3.6. Фан-техника тараққиёти ва самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Фан – техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, фан – техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унимли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унумли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фан-техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш қуроли, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Хозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараққий қилмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Хозирга даврдаги фан-техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Хозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустаҳкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, химия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, фаннинг зришган ютуқлари ишлаб чиқаришнинг тараққиёти учун ва унинг иқтисодий самарадорлиги учун чексиз имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан-техника тараққиётига катта эътибор бериб,

уни жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор самарадорликни таъминловчи янги туркумларни, принципиал жихатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини қўймоқца.

“Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқаришида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.”¹

Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлашишининг муҳим белгиси такомиллашган, чидамли унумли меҳнат қуроллари ва предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат қуроллари ва сифатли меҳнат предметлари қанча кўп кириб келса жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади. Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларига жалб қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқламоқ лозим. Фан-техника тараққиётининг эволюцион шаклда ривожланиши деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техниканинг энг сўнгги авлодларини қўллаш, принципиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Бунинг учун аввалом бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллаштирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ лозимдир.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида инновацияларни киритилиши оқибатида мамлакат иқтисодиётида чуқур иқтисодий силжишлар кузатилмоқда.

Иқтисодиётни инновациялаш – яъни фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув соҳасида янгилик киритиш ўз навбатида микроиқтисодий ўсишни таъминламоқда. Барча тармоқ ва соҳаларда инновация жараёнлар давом этмоқда.

Инновацион жараён бу – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш,

¹ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Тошкент “Ўзбекистон” 2011 йил

ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш кабилар мавжуд.

Иқтисодиёт фани ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бири-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради.

Ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча барчаси чекланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг худуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсиши нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳмиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, саноатни интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугунги ривожини кўриш мумкин эмас.

Ишчи кучлари интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳам саноат ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш йўналишларидан биридир. Кадрларнинг малакасини, билимини ошириш ҳам энг керакли йўналишлар сифатида юзага чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, етиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифатини ҳамда меҳнат унумдорлиги ошишига таъсир этувчи барча омиллар эътибордан қолмаслиги ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

4. Назарий дарс ўтиш методикасининг умумий масалалари

4.1. Назарий машғулотларни ўтказиш тартиби

Назарий дарс машғулотларини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

1. Қизиқиш ва қизиқтириш (мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Таҳлил ва синтез.
6. Баҳолаш

Ушбу кетма-кетлик учун кетадиган вақт одатда 80 минутни ташкил этади. Дарс бошланишидан аввал дарсга тайёргарлик босқичининг натижаларини қисқача текшириб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қизиқиш ва қизиқтириш. Дарс ўқувчилар билан қизиқарли, ҳатто дарсга алоқадор бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Бунинг учун, масалан, қизиқарли кайфият, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида ўқувчиларнинг кайфияти биринчи дарс мобайнида ўқувчиларнинг кайфияти кўтарилиши шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда ўқувчилар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишига ёрдам беради.

Маълумот ва билим бериш. Ўқитувчи ўқувчиларга касбга доир янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозалар уюштиради, ўқув суҳбатлари ўйин машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал, ўқитилган мавзулар қисқача, умулштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Ўқувчиларга мавзуларга мос тарқатма материаллар берилмоғи лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар берилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин кетин тарқатиш уларни қўйиб чиқиш учун етарлича вақт бериш ва бошқа ўқувчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имконияти яра тувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий суғ босқичидан сўнг фаол босқичи қилиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтез. Мавзунинг таҳлил қилиш орқали мавжуд вазият қисмлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Шу ўринда алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур хусусиятларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Амалиётда яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

Баҳолаш ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин ўқувчилар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак.

4.2. Назарий дарс машғулотининг таълим модели ва технологик харитаси

Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг таълим модели жадвал кўринишида бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- дастлабки маълумотлар: ўқув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- шакл (маъруза, семинар ва бошқалар) ва кўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бошқалар), ўқув машғулоти режаси, тузилиши, унинг мақсади, ўқув фаолиятининг кўзланаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- танланган таълим модели: усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;
- таълим бериш шароити: махсус жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- мониторинг ва баҳолашга асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор сўров, тест олиш, тақдирот, ўқув топшириқлари ва бошқалар).

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолияти (ўқув жараёни) босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилишга ёрдам беради.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари:

Ўқув машғулотининг технологик харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, 1-1,5-2 варақда жадвал кўринишида бажарилади: (1) ўқув машғулоти босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти; (3) таълим олувчи фаолияти.

1-босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқалар.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш меъзонлари билан таништиради.

Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2-босқич (55-65 дақиқагача). Асосий маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. Таълим берувчи ўқув машғулотининг режаси тузилишга мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларга эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3-босқич (10-15 дақиқагача). Якуний – натижавий.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати. Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларига қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашни якунини чиқаради: ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

4.3. Назарий машғулотда таълим технологияси модели ва технологик харитаси

**Мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника
таъминотини бошқариш**

Таълим бериш технологияси модели (назарий)

Вақт: 2 соат	Талабалар сони 25 та
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Назарий
Машғулот режаси	1.Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлини 2.Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий-техника ресурсларини шакллантириш, техника тараққиётини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш 3.Корхонани моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби 4.Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили
Ўқув машғулотининг мақсади:	Шакллантириш, билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлини Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий-техника ресурсларини шакллантириш, техника тараққиётини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш Корхонани моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлини Бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий-техника ресурсларини шакллантириш, техника тараққиётини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш Корхонани моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили
Таълим усуллари	Назарий, кўргазмали ва бошқалар
Таълим шакли	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим воситалари	Ўқув-услубий мажмуа
Таълим бериш шароити	Гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқалар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
I-босқич. Кириш (10 дақ.)	1.1. Ўқувчилар эътиборига мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказди. Ўқувчиларни машғулоти режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчалар, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхати берилади. 1.3. Назарий дарс машғулоти учун белгиланган баҳолаш мезонлари билан таништиради ва ўқувчиларни фаолликка чақиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. Ёзиб оладилар
I I-босқич. Асосий (60 дақ.)	2.1. Тезкор-сўров, савол-жавоб, ақлий ҳужум, кластер орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён қилади. 2.3. Маъруза бўйича зарурий иборалар, чизмалар, схема ва жадваллар тарқатмалари материал кўринишида тақдим этади. 2.4. Маъруза материали режага мувофиқ ўтилганидан сўнг хулосаланиб, талабалар фаоллигида мустаҳкамланади.	Жавоб берадилар Ёзадилар Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар Савол–жавобларда иштирок этадилар
I I I- босқич. Якуний (10 дақ.)	3.1. Мавзу бўйича якун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди.	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар Топшириқни ёзадилар

4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш

Дарснинг тури: Назарий машғулот.

Дарс учун ажратилган вақт 2 соат

Дарс ўтиш жойи: Таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган фан хонаси

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали-тушунтириш, интерактив методлар

Дарснинг жиҳозланиши. «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш» мавзусида электрон дарслик, тақдирот слайдалари, ўқув-услубий мажмуа, тарқатмалар материаллар, диаграмма ва жадваллар, компьютер ва проектор ва бошқа дидактик воситалар.

Назарий машғулот мақсади

Асосий мақсади: Ўқувчиларга иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқаришни таълимнинг замонавий техник воситалари ёрдамида кўргазмали-тушунтириш, таянч ибораларни ёздириш, чизмаларни чизиш ва мавзунини пухта ўргатиш.

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқаришнинг муҳим аҳамияти, зарурати ва ўрнини тушунтириш, уларни ўз касбига бўлган ижобий муносабатини шакллантириб бориш.

Шакллантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мавзунини мустақил равишда ўрганишга ва таҳлил этишга тайёрлаш билан уларда иқтисодий билимларни шакллантириш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм

Ўқув аудиториясига ўқитувчи кирганидан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, ўқувчилар давоматини аниқлайди ва дарс хонасини машғулот ўтишга тайёргарлигини кўздан кечирилади.

1. Ўқувчилар давоматини аниқлаш ва махсус журналларга қайд этиш;
2. Мавзу бўйича моддий-техник таъминотнинг мавжудлиги ва тайёрлигини текшириш.

II. Ўтилган олдинги дарсни ўқувчилардан сўраш

1. Олдинги дарсда ўтилган мавзусини сўраш. Сўраш қуйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- а) оғзаки саволлар орқали.
 - б) тест саволлари орқали;
 - в) тайёрлаб келинган махсус саволларни тарқатиб;
2. Ўқувчилар билимини баҳолаш.
3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш.

Олдинги ўтилган мавзунини сўраш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини сўрашда ўтилган мавзу қисқа ва аниқ ҳамда равшан, фактларга асосланганлигига эътибор бериш лозим. Берилган саволларга жавоб берган ўқувчиларга баҳо қўйишда уларнинг айрим жиҳатларига эътибор бериш лозим. Масалан, савол-жавобнинг тўғрилиги, ўқувчи ўзини тута билишига, нутқига, ишлатадиган сўзларига, хатти-ҳаракатига ва бошқа жиҳатларига ва ҳақозо. Уларни баҳолашда иложи борича юқори балл қўйиш керак. Бу ўқувчини шу фанга нисбатан қизиқишини, ҳурматини оширади ва кўпроқ ўрганишга интилишига олиб келади.

III. Ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзунини ўтишдан олдин ўқитувчи олдинги ўтилган мавзунини такрорлаб, уни янги мавзу билан боғлашга ҳаракат қилиши лозим. Шундагина ўқувчилар янги мавзунини тушуниб олишлари осон кечади.

IV. Ўрганилаётган мавзуда тарқатмали материаллардан фойдаланиш

Ўрганилаётган янги мавзу материаллари бўйича ўқитувчи тарқатмали материаллар тарқатади. Мавзу бўйича тайёрланган материаллар ўқувчиларга тақдим этилади. Улар мавзу матнлари, расмлар, жадваллар, диаграммалар слайдалар шаклида бўлиши мумкин. иложи борича тайёрланган ўқув тарқатма материаллари ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида даражада бўлиши мақсадга мувофиқ. Тарқатма материалларни ташқи дизайнига алоҳида эътибор берилиши лозим. Улар оддий, тушунарли ва ўқувчининг диққатини жалб этиши ва мавзуга нисбатан қизиқишларини орттириши лозим. Бинобарин, ўрганилаётган материал ҳақида қизиқарли муаммолар берилган бўлиши лозим.

V. Тарқатмали материалдан фойдаланиш методикаси

Тарқатма материаллар – таълим олувчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1-2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади. Мазкур материаллар машғулотни қизиқарли қилиш имконини бериб, кўп ҳолларда таълим олувчилар учун мустақил равишда ўқиб чиқиб муҳокама қилиш учун мўлжалланган бўлади. Тарқатма материалларни тайёрлаш ва қўллашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- 1. Таълим олувчиларга ҳаддан ташқари кўп тарқатма материаллар бермаслик.
- 2. Сарлавҳаларни бош ҳарфлар билан ёзиш, бир машғулот учун иккита материал зарур бўлса, уларга код-ном бериб уларни ажратиш лозим.
- 3. Матн шрифти 12 дан кичик бўлмаслиги керак.

4. Бир бетда 80 тадан кўп белги (ҳарф, қавс, ундов белгиси) ишлатмасликлозим.
5. матнлар тушунарли, қисқа ва оддий бўлиши керак.
6. Варақ дизайни эътиборни ўзига тортishi керак.

Ишчи варақалар – гуруҳларда, жуфт бўлиб ва индивидуал машқлар бажаришда қўлланилади. Улар турли жадваллар шаклида бўлиб, таълим олувчилар томонидан тўлдириш талаб қилинади.

Назорат варақалари – машғулот якунида таълим олувчиларнинг ўзлаштирган билимларини текширишда қўлланилиб, улар тест саволлари, масалалар каби шаклларда бўлиши мумкин.

VI. Ўтилган мавзуни янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзуни баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзуни такрорлаб, уни янги мавзуга боғлаши ўқувчиларнинг янги мавзуни тез идрок қилишлари ва осон тушунишларига ёрдам беради.

VII. Янги мавзуни баён этиш

Янги мавзуни баён этишдан олдин, компьютер проектори ёрдамида мавзу ва мавзу режалари доскага проекцияланади. Мавзу ва режалар имкон борида дарснинг охиригача сақланиши мақсадга мувофиқ.

Мавзуга доир таркатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

VIII. Таълимнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланиш

7.1. Мақсад:

Замонавий таълим воситалари билан танишиш. Техник воситалар билан ишлашда психологик тўсиқларни олиб ташлаш. Мантиқий фикрлашни ривожлантириш. Замонавий ўқув воситаларини қўллашда қизиқиш ва маъсулиятни ошириш.

7.2. Натижа:

1. Қандай замонавий ўқитиш воситаларни борлигини билади.
2. Техник воситаларни дарс жараёнига қўллашда бошланғич кўникмалар ҳосил бўлади.
3. Ўқув дастурларни тушунади, компьютерда слайдларни туза олади.

7.3. талаб этиладиган вақт: 15 минут

7.4. Зарур бўладиган материаллар:

а) техник воситалар: компьютер, кодоскоп, видеопроектор, видеокўз, видеопроектор, электрон доска.

б) ўқув ва кўргазмалар материаллар: электрон дарслик, слайдлар.

7.5. Фойдаланиш тавсилоти:

1. Ўқувчи дарсни тушунишини ҳамда ҳар бир ўқувчининг онгида бир хил тушунча ҳосил бўлишини таъминлайди.

2. Ўқувчиларда қизиқиш ортади, уларнинг ҳаёлатини уйғотиш йўли билан мотивациялайди.

3. Вақт тежалишини таъминлайди, чунки бунда батафсил ва сўзма-сўз оғзаки тушунтиришлар талаб этилмайди.

4. Реал моделларни ишлатишда ва диаграммаларни ишлаб чиқишда ўқувчилар қатнашиши имкониятини беради.

5. Ўтилган мавзунинг мазмуни турли йўллар билан қисқача умумлаштирилиши орқали ўрганиш жараёни самарадорлигини оширади.

6. Берилган материаллар ўқувчилар хотирасида узоқ сақланади.

IX. Янги мавзун мустаҳкамлаш

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзун чуқурроқ тушунишлари учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш;
2. Мавзу юзусидан ўқувчиларга савол бериш ва ўтилган дарсни хулосалаб якунлаш.

X. Уйга вазифа бериш

Уй вазифаларини танлаганда, уларни ўқувчиларга топшириқ қилиб беришда, бу вазифалар ўқувчиларнинг қизиқишларига мос келиши, уларни бажаришда қийинчиликларга учрамасликлари керак. Кўпинча ўқувчиларга ўқитувчи тушунтирган материални мустаҳкамлашга оид вазифалар берилади.

XI. Дарсга якун ясаш

Дарснинг охорида ўрганилган материаллар бўйича умумий хулосалар қилинади. Дарсга якун ясалади. Келгуси машғулотга доир тарқатма материаллар тарқатилади. Келгуси машғулотнинг мавзуси ўқувчиларга етказилади.

5. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

5.1. Амалий машғулотларни ташкил этиш шакллари

Анъанавий тарзда олиб бориладиган амалий машғулотларда 4...5 ўқувчи тайёрланиб келган материални ўқиб эшиттириш ёки гапириб бериши орқали улар тингланадиган баҳоланади. Қолган ўқувчилар фақат тинглайди, бошқача қилиб айтганда улар машғулотда пассив иштирокчи сифатида машғулотда фикр билдирмайди. Бу эса ўқувчининг келгусидаги дарс машғулотига тайёрланишида салбий таъсирини кўрсатади. Амалий машғулотда доскага чиққан ўқувчи эса келгуси дарсдаги машғулотга тайёргарлик кўрмайди. Чунки бу дарсда олдинги дарсда баҳоланмаган ўқувчилардан сўралиши ҳаммага маълум. Бу каби ташкил этилган дарсларда ўқувчиларнинг амалий машғулотдаги тайёргарлигини бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Бу каби салбий ҳолатларни олидини олишда амалий машғулотларини ноанъанавий тарзда олиб борилиши мақсадга молик. Мен амалий машғулотларни ташкил этишда «Мунозара» методини қўллашни таклиф этаяпман. Бунда ўқув аудиториясидаги парталар давра суҳбати кўринишида, яъни доира шаклида қўйилган бўлиб, ўқувчилар бир-бирига юзма-юз ўттирадилар.

Амалий машғулот хоналари ўқув фанига мослаб жиҳозланган ва фан бўйича кўргазмалар қўроқлар, таълимнинг замонавий техник воситалари, хона деразаларини қоронғилатиш мосламалари ва жиҳозлари билан таъминланган бўлиши лозим. Хонани жиҳозлашда ахлоқ – ақидаларга ҳам эътибор берилади.

Амалий машғулотларига атрофлича тайёргарлик кўрилиши ва ўтказилиши лозим. Баъзи ҳолларда амалий машғулотни назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Амалий машғулотни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб, бу бевосита ва билвосита бошқариладиган машғулотлар тўғрисида тўхталамиз.

Бевосита бошқариладиган амалий машғулотда маърузалар, тақдимотлар ва намойишлардан фойдаланилади. Буларга схемалар, видео тасвирлар ва жиҳозларнинг асл нусхалари қиради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материални ўқувчилар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга асосланган ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш тарзида олиб борилса, яхши самара беради.

Билвосита бошқариладиган амалий машғулотни асосан ўқувчиларга йўналтирилган бўлиб, улар тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш мустақил ўрганиш орқали машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, ўқувчининг ўзи мустақил ўрганишига туртки бериш, билимларни ўзлаштиришга туртки бериш каби қиради.

Амалий машғулотдаги барча топшириқлар уларга олдинги дарсда тарқатма материал кўринишида тарқатилади. Топшириқни бажариб келган ўқувчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бунда ўқитувчи пассив иштирокчи сифатида уларнинг дарсдаги фаолиятини кузатади. Улар билдирган фикрлар эътирозсиз қабул қилиниб, ўқитувчи томонидан қайд этиб борилади. Топшириқ сифатида берилган муаммо ечимларини аниқлашда ўқитувчи ўқувчилар-нинг фаоллигини оширишга қаратилган ҳатти-ҳаракатни бажаради, яъни у барча ўқувчиларни берилган топшириқ ечимини ҳал этишдаги фикрларини эшитишга ва уларни баҳолашга ҳаракат қилади.

Амалий машғулотларда ўқувчилар берилган топшириқларни маълум бир босқичда мустақил бажаришлари учун машғулот модели ва технологик карталари тузилади.

5.3. Амалӣй машғулотини ўтказиш методикаси

Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш

Амалӣй машғулотни ўтказишдан мақсад: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш ўқувчиларга топшириқлар бериш ва топшириқларни кичик гуруҳларда бажариш бўйича маълумот бериш.

Машғулот ўтказиш жойи: таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган фан хонаси.

Машғулотнинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда жамоа бўлиб, иқтисодиётда инвестицияларни жалб қилиш истикболлари бўйича меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш интизомини таркиб топтириш ва маҳсулотлардан тежамкорлик билан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириб бориш.

Машғулот учун ажратилган вақт: 4 соат.

Машғулотнинг дидактик ва моддий таъминоти: амалӣй машғулот мавзусининг электрон талқини, машғулот материалига доир тақдимот слайдалари, кўргазмали куроллар, ўқув-услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар, графопроектор, кодопособиялар, компьютер ва проектор, мавзу юзасидан фойдаланиш учун адабиётлар, китоб жавонлари, интернет ва ахборот ресурслари маркази электрон кутубхонаси тармоғига уланган компьютерлар ва бошқа дидактик материллар.

I. Ташкилий қисм

Ўқувчилар билан саломлашиш, уларнинг машғулотга тайёргарлигини, хонанинг мавзуга доир моддий таъминотини кўздан кечириш, ўқувчилар давоматини аниқлаш ва қайд этиш.

II. Ўқувчиларни амалӣй машғулот номи ва мақсади билан таништириш (тайёрлов босқичи)

1. Ўқувчиларга амалӣй машғулотнинг мавзу ва мақсади тушунтирилади. Уларга 4 соатлик амалӣй машғулот давомида “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш” мавзусини ўрганишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» методидан фойланиш тартиблари тушунтирилади.

2. Ўқувчиларнинг назарий билимларини текшириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада моддий техника таъминотини бошқариш бўйича ўқувчилар билимини аниқлаш мақсадида уларга қуйидаги саволларни бериши мумкин:

3. Машғулот топшириғини бажариш тартиби. Амалӣй машғулот топшириғи тарқатма материалларда баён этилиб уларга тарқатилган ва унда қўйилган муаммо ечимини аниқлашда зарурий манбалар келтирилган бўлиши лозим. Ўқувчиларга машғулот топшириғини бажаришда зарурий манбалардан фойдаланиш йўллари ва топшириқларни бажариш кетма-кетлиги тушунтирилади.

Амалий машғулотларни ўтказиш. Таълим модул таркибига киритилган амалий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Мавзуни табақалаштирилган таълим технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар қайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга мавзу материали бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради, ўйин-машғулотлар ўтказади. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда тақдорланади.

Ўқувчи-талабаларга модул бирлигига мос тарқатма материаллар берилади. Бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модул бирлигига монанд равишда бирин-кетин тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратиш, ўқувчи-талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун маълумотларни овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади.

Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар. Модул бирликлари таҳлил қилиш ва синтезлаш орқали ўзлаштирилади. Назарий билимларнинг амалий аҳамияти очиқ берилади. Ўзлаштирилган билимлар фаннинг бошқа соҳаларига оид маълумотлар билан синтезланади ва амалда қўлланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин ўқувчи-талабалар ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим.

Натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам ўта самаралидир.

Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолияти натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхши имконият.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда кўпинча бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тавсия этилади.

Бевосита бошқариладиган маърузалар, тақдимотлар ва намоёишлардан фойдаланилади. Шунингдек, машғулотларни савол-жавоблар, ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш асосида ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

4. Ўқувчиларга амалий машғулот топшириғини маълум бир кетма-кетликда бажаришлари учун инструкцион-технологик карталар берилади. Унда иш босқичлари ва мазмуни, топшириқларни бажаришдаги ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятлари келтирилган бўлади.

III. Амалий машғулот топшириғини ўқувчиларнинг мустақил бажаришлари (амалга ошириш)

1. Ўқитувчи ўқувчиларга амалий машғулот топшириқларини бажариш бўйича зарурий маълумотлар берилади. Бунда ўқитувчи берилган топшириқлар бўйича муаммоли вазиятни вужудга келтиради. «**Кичик гуруҳда ишлаш**» усули мақсадни амалга ошириш воситаси эканлигини тушунтиради. Берилган муаммони баён этиш орқали муаммо ечимини излаш

тўғрисида буйруқ берилади. Ўқитувчи машғулоти иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундайди, улар томонидан кутилмаган мантикий фикрларнинг билдирилишига эришиши лозим.

2. Тарқатма материалларда берилган муаммо ечиш йўлларини жамоавий муҳокамада изланади, ечимлар эътирозсиз қайд этилади. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантириб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.

Бу тарзда билдирилган фикр ва ғоялар кичик гуруҳ ва жамоада таҳлил этилади ва аниқланган ечимларнинг мақсадга мослиги асосланади.

IV. Ўқувчилар томонидан билдириладиган фикр ва ғояларни тинглаш (ғояларни киритиш)

1. Машғулотида маъқул деб топилган фикр ва ғоялар «**Кичик гуруҳда ишлаш**» методида баён этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя) ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

2. Бунда ўқитувчи ғояларни магнитофон ёки видеолентага, қоғоз варағига ёки доскага ёзиб олишни ташкил қилади.

3. Янги ғояларни билдириш давом этар экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик лозим.

4. Билдирилган фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш ҳамда билдирилган фикрлар устидан кинояли шарҳларнинг билдирилишига йўл қўймаслик лозим.

5. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикр ва ғояларни баҳоланишига йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя) лари баҳоланиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар.

Мазкур методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

V. Гуруҳ жамоаси билдирган фикр ва ғояларни таҳлил этиш

1. Ўқитувчи таклиф қилинган баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ғояларни таҳлил қилишни ташкил қилади. Бунда ўқитувчи машғулоти жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилади. Муаммо ечимининг ягона тўғри жавоби эълон қилинади, уни мақсадга мослиги асосланади ҳамда тўғри жавоб муаллифи рағбатлантирилади.

V. Якун яшаш ва баҳолаш

Ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига якун ясайди, таҳлил қилади ва ўқувчиларни баҳолайди ҳамда баҳолар эълон қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишида «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхонада моддий-техника таъминотини» мавзусини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар таълими жараёда дарс машғулотларини педагогик технологияларнинг интерактив методлари асосида ташкил этишга ва аудиториялардаги ўқувчиларнинг мавзуни пухта ўзлаштиришларини сезиларли даражада оширишга қаратилди.

1. Педагогик технологиянинг таълим методларини танлашда асосан таълим мақсади, таҳсил олувчилар сони, таҳсил олувчиларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлари ва ўқитувчининг маҳоратларини инобатга олиш муҳим, бу - таҳсил олувчиларда муайян фан бўйича билим, кўникма, малака ва шахс сифатларини шакллантирилишини таъминлайди.

2. Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарс машғулотларида ўқувчиларнинг диққати барқарорлашади ва ўтилаётган материал тушунарли бўлиб, дарсда ўқувчиларнинг материални идрок қилишдаги вақтларини сезиларли даражада қисқартиради.

3. Педагогик технологиялар дарс жараёнларида ўқувчилар фаоллигини ошириш орқали берилаётган ўқув материални ўқувчиларнинг пухта ўзлаштиришига ёрдам беради, уларнинг фикрлаш фаолиятини ўстиради, ҳар нарсани билишга иштиёқ уйғотади.

4. Коллеж таълим жараёнида таълимнинг интерактив методлари қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларнинг мустақил қўйилган муаммо ечимини топиш малакаларини шакллантириб, фикр билдириш, ўзгалар фикрига танқидий ёндошиш ва ижодкорлик тафаккурларини ўстиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда иқтисодийни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Кейинги қисқа вақт ичида амалга оширилган ишлар натижасида банк маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларини иқтисодий соҳаларига йуналтирилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бу борада катта ижобий ўзгаришлар юз берди.. Ушбу битирув малакавий ишимизда вилоятимизнинг иқтисодий соҳаларини ривожлантириш ва соҳаларга йўналтириладиган капитал қўйилмалар ва хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш масаласини устувор вазифа сифатида ўрганиш билан бирга, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни амалга оширишда кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятларини янада такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Битирув малакавий ишимиздаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб, уларни ечиш бўйича таклифлар бериб ўтамиз.

• Вилоятда маҳаллий хом-ашё захираларини ҳисобга олган ҳолда Маҳаллийлаштириш дастури асосида корхоналарни ишга тушириш чораларини кўриш.

• Вилоят Савдо - саноат Палатаси ва тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатувчи бошқа бозор инфратузилмалари томонидан маҳаллийлаштириш дастури доирасида яратилаётган имкониятлар ва шарт-шароитларни тарғиботини йўлга қўйиш.

- Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ маҳаллий хом - ашё негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда туман ҳокимликлари жавобгарлигини ошириш.

- Хорижий инвестициялар жалб қилиш Дастурига киритилган лойиҳаларни имтиёзли кредитлашда хорижий кредит линиялари мавжуд тижорат банкларининг масъулиятини ошириш.

- Дастурни амалга оширишда, хорижий ҳамкорлар ва чет эл ташкилотлари билан ишлашда малакага эга булган корхона ва ташкилотларининг иштирокини таъминлаш;

- Хорижий инвестицияларни жалб қилиш мумкин бўлган соҳа ва йўналишларни чуқур ўрганиш ва хорижий ҳамкорларга таклиф қилиш механизмини яратиш.

- Вилоятда рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини жойларда чуқур ўрганиб чиқиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулотлар экспортини кўпайтириш (кенгайтириш) ва улар фаолиятига тўсқинлик қилаётган омилларни йўқотиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

- Қўшма корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга, айланма маблағни шакллантиришга қаратилган лойиҳаларни имтиёзли кредитлашни тарғиб этиш.

Ҳозирги кунда вилоятимизда инвестиция фаоллигини ошириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқими ҳажмини кўпайтириш мақсадида самарали воситалардан бири сифатида биринчи навбатда ҳудудий корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда салоҳиятли хорижий инвесторлар билан мустақил иш олиб бориш имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш зарур.

Шу билан бирга ҳудудий иқтисодиётимиз инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари кредитлари муносабатларини ривожлантириш каби вазифаларни ҳал этиш, вилоятимиз иқтисодиётига чет эл инвестициялари ҳажмини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 19.01.2014 й.
 2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь
 3. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон траққиётининг пойдевори. Тошкент, Шарқ, 1998 й.
 4. Каримов И.А. Жаҳон моливий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т., Ўзбекистон, 2009.
 5. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр Вахабов А.В ва бошқ. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010 й, 328 б.
 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998йил 5-январдаги «Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
 9. И. Минаков, «Экономика сельскохозяйственного предприятия», Учебник, М.: Колос, 2004.
 10. А.И. Икромов. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги семинар тренинг материаллари. Тошкент, 2002 й.
 11. Р. Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й.
 12. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика (маърузалар матни). Тошкент, 2000 й.
 13. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи-Т.: 2002, 2004.
 14. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. «Фан», 2005 й.
 15. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000 й.
 16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли Қарори.
 17. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти. Халқ таълими журнали. 1999 й., №5
 18. А.Х. Абдуллаев, З.Дехкамбаева «Ўрта махсус, касб хунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. –Т: 2001 й.
 19. С.Р.Шойкулов ва бошқалар. «Ҳисоблаш техникаси ва таълимнинг техник воситалари». Тошкент. «Ўқитувчи», 1995 й.
 20. Хўжаев Н. Хасанов Ж. Иқтисодий педагогика. Тошкент, 2002.
 21. Ғуломов С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, Меҳнат, 1997.
 22. Р.Ҳақимов ва бошқ., «Агросаноат мажмуи иқтисоди», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004
 23. Б.Ходиев ва бошқ., «Кичик тадбиркорликда маркетинг», Т.:Консаудитинформнашр, 2004
- Попов Н.А. «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2005, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>